


# Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com, raximtoy@bk.ru

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

## Қозоғистон президенти туркий тилда сўзлашувчи давлатларга дунё тилларида кўрсатувлар олиб бориладиган умумий телеканал яратишни таклиф қилди.



Ушбу таклиф Нурсултон Назарбоев томонидан 5 июнь куни Бодрум шаҳрида бўлиб ўтган туркий тилда сўзлашувчи давлатлар Кенгашининг тўртинчи Саммитида янгради, деб хабар берди kazinform.kz.

Давлат раҳбарлари халқаро спутниклар ёрдамида инглиз, рус ва турк тилларидаги телевизион дастурларни эфирга узатишни ташкиллаштиришнинг муҳимлигини қайд этишди.

«Агар биз «Ал Жазира», ёки «ББС» каби дунё каналини ярата олсак, бу турк меросини тарғиб қилишда катта ижобий роль ўйнаган бўларди», — дейди Назарбоев.

ЎХХ ахборот бўлими

## ХИТОЙ ҲУКУМАТИ УЙҒУРЛАРНИ ҲИБСГА ОЛДИ....

Хитой ҳукумати охириги бир ой ичида Шинжон ўлкасида 380 та уйғурни ҳибсга олди. Бу ҳақда хабар тарқатган Хитой давлат телеканалларининг маълумотига кўра Пекин «мусулмон айирмачи» деб атаётган уйғурларни мамлакат фарбида содир бўлган ҳужумларда иштирок этганликда айблаган.

«32 та террорчилик ячейкалари фош қилинди», — деб ёзади Хитой маҳаллий матбуоти.

Қувғиндаги уйғур ташкилотлари ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг эътирофи этишича, Хитой ҳукуматининг этник озчиликка нисбатан олиб бораётган репрессив сиёсати ва ислом меъёрларига риоя қилишнинг чекланиши Шинжон ўлкасида ҳавотирларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, ўтган йили минтақада содир бўлган тўқнашувда 200 одам ҳалок бўлган. Кескин ҳарбий чоралар натижа бермаепди: ўтган ҳафтада полиция идорасига қилинган ҳужумда 13 одам полициячилар тарафидан отиб ташланганди.

Legal Daily расмий нашрининг ёзишича, 315 та уйғур терроризм билан боғлиқ моддаларда айбланган ва улардан камида 13 таси қатл қилинган. Тўқнашув вақтида олтига полиция ходими ўлдирилганди. Тинтув пайтида компьютерлар, китоблар ва DVD-дисклари ҳамда хитой куч ишлар тизимларининг таъкидлашларича, гўёки қуроллар ва портловчи моддалар топилган.

Шинжон жамоат хавфсизлиги бўлими бошлиғи Ван Чаньроннинг журналистларга билдиришича, 20 дан ортиқ ноқонуний таълим



масканлари ва машқ лагерларида тинтув ўтказилган.

Пекин бугунги кунда Шинжондаги жамоатчилик фикрини қаттиқ назоратга олган. Расмий ёндашувга зид бўлган ҳар қандай эркин фикр зудлик билан тўсиб қўйилади ёки фикр эгаси ҳибсга олинади.

Пекиндаги Миллатлар Марказий университетининг иқтисодиёт бўйича профессори бўлган 44 ёшли Илҳом Тўхта шу йил январиди ҳеч қандай тушунтиришларсиз ўз уйдан олиб кетилганди. Таниқли олим уйғурларнинг ҳуқуқларини талаб қилиши ва ҳимоя қилиши билан кенг танилган эди. Шундан бери Илҳом Тўхтанинг тақдири номаълумлигича қолмоқда. Ўтган ҳафтада унинг адвокати Ли Фанпин профессорнинг аллақачон судланган ва қамоққа ташланган бўлиши мумкинлиги ҳақида маълум қилган эди.

Бироқ, 23 июнь, душанба куни у хитойнинг WeChat мобил ижтимоий тармоғида Илҳом Тўхта иши эндигина прокуратурага оширилгани ва ундан сўнгина судга юборилиши ҳақида хабар қолдирди.

ЎХХ ахборот бўлими

## ҲАММАМИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗ...

Қозоқ ва ўзбек халқининг илдизи бир. Ҳар икки халқ 1428 йилда Ўзбек хонлигининг бугунги Қозоғистон ҳудудида қурилганидан фахрланади. Абулхайрхон қурган бу хонлик биз учун қанчалик азиз бўлса, Керей ва Жонибек бир неча йилдан кейин ташкил этган Қозоқ хонлиги ҳам шунчалик қадрлидир. Бизнинг бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бирдир.

Боболаримиз, 19 асрда рус чоризми бостириб келганда Авлиёотада, Чимкентда биргаликда қарши қуралишган. Минглаб қурбонлар беришган. 1916 йилги, рус чоризмига қарши кўзғалонларда бирга бўлишган. Қўқон (Туркистон) мухториятини ҳам биргаликда қуришган. Азобини ҳам бирга тортишган.

Биз, Мутафо Чўқай, Сакен Сейфуллин, Вали Қаюмхон, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Боймирза Ҳайит каби туркчиларимиз билан фахланамиз ва уларни ҳар икки халқнинг ёруғ сиймолари, деб атаймиз. Бу хил сиймолар тарихда жуда кўп...

Совет ҳукумати даврида ҳам қозоқ ва ўзбек халқи биргаликда тўй- тўйлашган, куда - анда бўлишган.

Ёзувчи-шоирларимиз Собит Муқом билан Ғафур Ғулом, Ойбек билан Мухтор Авезовнинг, Ўлжас Сулаймон билан Абдулла Ориповнинг дўстлигини дoston қилишга арзийди.


Расмий чегаралар қурилгандан кейин, аввалдан ҳам умргузаронлик қилиб келган қозоқ бовурларимизнинг бир қисми бугунги Ўзбекистон ҳудудида, бир қисм ўзбек биродарларимиз, илгаригидай, Қозоғистон ҳудудида яшаши дўстлигимиз белгиси сифатида қаралаш лозим. Ўртага чегаралар тушгани билан юракларимизга чегаралар тушгани йўқ... Биз ҳали ҳам биргамиз ва абадий бирга бўлажамиз...

Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркменистон давлатларининг бир дастурхон, бир байроқ атрофида тўпланишидан, Дунё туркийларининг Кенгаши - Турксой қурилганидан хурсандмиз. Раҳбарларимизнинг бир жойга йиғилиб анжуманлар ўтказишидан кўнглимиз ўсди. Турк Кенгашига бир кун келиб ўзбеклар ҳам қўшилиши аниқ.

Туркия проезиденти Абдулла Гул 7 давлат бир миллат ғоясини ўртага отганидан бошимиз осмонга етди. Бу етти давлат Марказий Осиёдаги тўртта мамлакат, сўнгра Озарбайжон, Туркия ва Қибриздир.

(давоми 3 - бетда)

## Абдурасул Худойназаров озод этилганди, аммо...



26 июнь куни эрталабки соат 8 ларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари «Эзгулик» жамияти Тошкент вилояти бўлими фаоли, 58 яшар Абдурасул Худойназаровнинг жони узилди. Шу йилнинг 30 май куни жигар саратони, ўткир ўпка сили ва аденома хасталигининг сўнги босқичи туфайли Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармасининг Тошкентдаги 64/18-сонли муассасасидан чиқарилган Худойназаров озодликда атиги 25 кун яшад!

Абдурасул Худойназаровнинг рафикаси Гулчеҳра Туроновага кўра, ҳуқуқ ҳимоячиси 26 июнь куни тушдан сўнг тупроққа берилди.

Ҳуқуқ ҳимоячиси жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси (Товламачилик), 168-моддаси (Фирибгарлик) ва 227-модда (Ҳужжатларни сохталаштириш) сингари сохта айблар билан 2006 йилнинг 26 июнида ҳибсга олинган ва 12.01.2006 йилда 9,6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари «Эзгулик» жамияти аъзоси, фидоий инсон - Абдурасул Худойназаровнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига таъзия изхор этади.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари «Эзгулик» жамияти

Ушбу  
сонда:

Қозоғистоннинг  
олқишга  
сазovor  
қадами...

»- 2- БЕТ

Дунё туркийлари  
глобаллашган  
дунёда

3- 4-БЕТ

Туркиядаги ўзбек турклар-  
нинг буюк буюк намоён-  
даси...

6-БЕТДА

Қабри туркийлар-  
нинг зиёратгоҳидир.

» 7-БЕТДА

Албатта  
ўқинг!

**Қозоғистоннинг олқишга сазовор қадами: Петр Порошекнонинг инаугурациясига Бош вазир Карим Масимов борди.**



Яқиндагина Киевда янги Президент Петр Порошенконинг инаугурациясида АҚШ Вице-президенти Жо Байдон иштирок этиши аввалдан эълон қилинган эди. У ерга Белорусия Президенти Александр Лукашенко келгани кейинроқ маълум бўлди.

Ҳозир маълум бўлишича, инаугурация маросимига Қозоғистон Бош вазири Карим Масимов ҳам иштирок этган экан. Бу ҳақда қозоқларнинг расмий хабарларида айтилди. Карим Масимов фақат инаугурацияда иштирок этиш билан чекланмасдан, Украина Бош вазири Арсений Яценюк ва Европа Кенгаши раиси Херман Ван Ромпёй билан алоҳида-алоҳида учрашиб, Қозоғистоннинг Украина ва Европа Иттифоқи билан муносабатлари ва келажакдаги алоқалар бўйича суҳбатлашибди. Путиннинг қовоғига қараб ўтирмасдан Украина президентининг инаугурациясига Бош вазинини жўнатган Қозоғистонни олқишлаш керак...

«Харакат»дан

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев АКИpress тахририятининг фожеадан 4 йил ўтиб бугунги ҳолатга баҳо бериш ҳақидаги саволларига



жавоб бераркан: «Қирғизистон 2010 йил июнь фожеаларидан ўзига дарс чиқаришда давом этмоқда», — дея таъкидлайди.

Нашр тахририятининг «Қирғизистон ҳукумати 2010 йил июнда мамлакат жанубида содир бўлган фожеалардан ўзига керакли дарсни чиқара олдимми?», — деган саволига президент куйидагича жавоб беради:

«Саволингизга энг ишонч ли ва қатъий жавоб — бу йилдан-йилга мустақамланиб бораётган Қирғизистондаги тинчликдир. Иктисод оёққа турмоқда. Қурилиш ишлари нафақат Бишкек, балки Қирғизистоннинг жанубидаги кичик шаҳарлар ва кўплаб қишлоқларда ҳам авж олган, янги уй-лар ва бинолар қад ростламоқда. Бу ерда

тўхтатиб қола олишди. Фақат ўз фойдаси ва мансабни кўзлаганлар ўз мамлакатини ёқибди, ўз ихтиёри билан ёки ихтиёрсиз мустақил ва демократик Қирғизистон душманларининг буюртмаларини бажаришди. Афсуски бундай одамлар бугун ҳам жамиятимизнинг элита деб аталувчи қисми орасида учрайди.

Шунинг учун ҳам ҳалигача, орадан тўрт йил ўтса ҳам Қирғизистон 2010 йил июнь фожеаларидан ўзига дарс чиқаришда давом этмоқда. Биз барчамиз ва биринчи навбатда ҳокимият бирликдамиз. Халқимиз ушбу дарс учун жуда қатта ва қўрқинчли бадал тўлади. Ўша фожеали кунларда Қирғизистон ўзининг тўрт юздан ортиқ фуқаросини йўқотди. Бугун биз қурбон бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига яна бир бора чуқур ҳамдардлик билдирамыз. Минглаб одамлар шикастланди ва жароҳат олишди. Ҳозирга қадар бедарак йўқолган деб ҳисобланувчи одамлар бор».

«Фожеа қайта тақорланмаслигига ишончингиз қилдингизми?» — деган саволга жавоб бераркан Атамбаев:

«Этник муаммолар ўн йиллар давомида йиғилиб қолди ва ҳал қилинмади. Уларни ҳал қилиш

учун биз

Қирғизистон

халқининг бирли-

гини мустақамлаш Кон-

цепцияси ишлаб чиққанмыз ва

уни амалга ошириш бўйича иш олиб

борилмоқда. Ҳар қандай кескин ҳаракат

ва ўйламасдан босилган қадам нафақат

вазиятни ёмонлаштиради, балки бу

йўлда амалга оширилган барча ишни

барбод қилиши мумкин. Шунинг учун

ҳам биз тизимли иш олиб борамиз.

Ҳар бир қирғизистонлик, мамла-

катимизнинг ҳар бир меҳмони бу ерда

ўзини қулай ва хавфсиз ҳис қилиши

учун ҳамда фуқароларимиз демократик

давлатнинг ва замонавий ҳаётнинг бар-

ча шароитларидан фойдалана олишлар-

ри учун мустақам ва босқичма-босқич

- мамлакатда қонунийлик ва тартибот

ўрнатамыз.

Бунга эришиш учун эса олдинда

қиладиган ишларимиз кўпдир. Ҳар бир-

римизнинг олдимизда» — дея таъкид-

лайди.

Муаллиф Нурбек

**Биометрик паспорт олиш муаммоларидан бири...**

Ўзбекистондаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимлари янги туғилган фарзандига ўзбекча фамилия олмоқчи бўлган ота-оналарга туғилганлик гувоҳномаларини бермаяпти. ФХДЁ бўлимлари ходимларининг айтишича, фамилияларида -ий, -зода каби қўшимчалар ёки умуман қўшимчаси бўлмаган ёшлар биометрик паспорт олишда муаммоларга дуч келаётгани бунга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Давлат тили тўғрисидаги қонунда белгиланганига қарамасдан, ички ишлар вазирлигидан сабаби номаълум қолаётган бу муаммонинг олдини олишнинг энг осон йўли сифатида чақалоклар гувоҳномасига русча – ов қўшимчали фамилия ёзиш тўғрисида кўрсатма берилган.

Ўзбекистоннинг янги фуқароларига ўзбекча фамилия олиш муаммо бўлаётгани тўғрисида Озодликка Наманганнинг Тўрақўрғонидан кўнғирок қилган ёш ота гапириб берди.

Яқинда фарзандлик бўлган суҳбатдошимизнинг айтишича, Тўрақўрғон тумани ички ишлар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари янги туғилган чақалокка русча фамилия оласан, деб туриб олган.

- Яқинда биз кўпайишган эдик. Шунга боргандим паспорт столга Наманган вилояти Тўрақўрғон туманига. Ўша –ов, -евсиз олмоқчи эдим русча қўшимчаларсиз. “Бизда –ов, -ев қўшимчаларини давлат тасдиқлаган. Шунинг учун биз –ов, -евсиз фамилия бера олмаймиз” дейишдида. Мен шунга ҳайрон қолдим. Биз мустақил бўлганмыз. Биз ўзимизнинг ота-боболаримиздан қолган фамилиялар бўйича иш тут-сак бўладику. Ўрислар, коммунистлар қўйиб кетган фамилиялардан хали ҳам чиқишининг иложи бўлмаптида,- дейди ёш ота.

Тўрақўрғон тумани ФХДЁ бўлими мудури тингловчимизнинг гапларини тасдиқлади ва Озодлик аввал ҳам ёритган муаммо бугунга келиб, жиддий тус олаётганини билдирди.

Исмни келтирмаётганимиз расмийнинг айтишича, чақалокларга ўзбекча фамилия берилмаётгани сабаби Ўзбекистонда жорий қилинган янги биометрик паспорт олишда фамилиялари –ий, –зода ва шу каби ўзбекча қўшимчалари бўлган ёшлар қийинчиликларга дуч келаётгани билан изохлади. ФХДЁ мудури, негадир бу ҳолатни яна Ўзбекистоннинг Давлат тили тўғрисидаги қонуни билан ҳам асослашга уринди.

- Сизнинг ўзингизники Юсуповми, болангизни ҳам Юсупов қиласиз. Юсуфий деган нарсга йўқ ака. Юсуфий бўлмайди. 1989 йилда қабул қилинган Давлат тили тўғрисидаги қонунда белгиланган бу, деди ФХДЁ мудури.

Лекин, давлат тўғрисидаги қонунининг 25-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқаролар миллиатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини тарихий-миллий аъналарига мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар”, деб белгилаб қўйилган.

Тошкент, Фарғона, Жиззахдаги ФХДЁ бўлимлари вакиллари ҳам фарзандларига ўзбекча фамилия олмоқчи бўлганларга туғилганлик гувоҳномаси берилмаётганини тасдиқлашди ва бунинг асосий сабаби биометрик паспорт берилишида туғилаётган қийинчиликлар эканини билдиришди.

Ўзбекистон Адлия вазирлигининг ФХДЁлар билан ишлаш бошқармаси мулозими, Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда, нафақат фамилия, балки отасининг исми ҳам ўзбекчасига “фалончи ўғли” ёки “фалончи қизи” деб ёзилган



бўлса ҳам биометрик паспорт олишда қийинчиликлар туғилмоқда, дейди. Шу сабабдан, бу мулозимнинг айтишича, бундай муаммо келажакда туғилмаслиги учун исм-шарифнинг русча кўринишга ўтишга қарор қилинган.

“Ҳозир мумкинмас, ака. Чунки вақт ўтгандан кейин ота-оналар яна фамилиясини ўзгартиришига тўғри келяпти. Ҳозир жуда кўпчилик фамилияларини ўзгартиряпти. Бир пайтлар энди мустақилликка эришилган пайтда кўпчилик болаларига ўзбекча “ўғли”, “ибн” деган қўшимчаларни қўйган. Ҳозир четга чиқиш ёки шунга ўхшаш масалаларда “фамилиянгизни ўзгартириб”, келинг деган гаплар бўляпти. Масалан, Россияга чиқаётган пайтда, қани бунинг фамилияси деган савол чиқяпти. Шунда яна фамилиясига –ов, отасининг исмига –ович қўшимчаларини қўшишга мажбур бўляпти”, деган адлия вазирлиги мулозими ўзбекча фамилия паспорт олишда нима сабабдан муаммо туғдираётганини аниқ айтиб бера олмади.

Бу суҳбатдошимиз, айни пайтда, ота-оналар келгусида паспорт олишда муаммолар туғилишига рози бўлган тақдирда, ФХДЁ органлари туғилганлик гувоҳномасига ўзбекча фамилияни ёзиб беришлари шарт, дея қўшимча қилди.

Озодлик биометрик паспорт учун ўзбекча фамилия ёки ота исми нима учун муаммо бўлаётганини сўраб, ички ишлар вазирлигига мурожаат қилди, лекин аниқ жавоб ололмади.

Тошкент туманларидан бирининг паспорт бўлими ходими эса, умуман бундай муаммо борлигини биринчи марта эшитаётганини айтди.

- Отаси, онаси Ўзбекистон фуқароси бўлса, бериши керак. Бунақа муаммога дуч келганимиз йўқ хали биз. Юсуфий бўлса Юсупов қиворинг, нимаси қийин? Юсуфий ўзбекча эмаску, Юсупова ўзбекча бўлади,- деди паспорт бўлими ходими.

Болаларга фамилия ва ота исми ни ўзбекча қилиб қўйиш Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтда урф бўла бошлади. Ўзбекистоннинг Россиядан мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ни-яти сифатида исми-шарифларидаги –ов ва –овна қўшимчаларидан воз кечган ўзбекистонликлар, орадан 20 йил ўтгар-ўтмас, давлат тарафидан яна русча фамилия ва отчествога қайтишга мажбурлана-ётган кўринади.

«Озодлик»дан

## Ётоқхона ва овқатланиш харажатлари ўзларидан...

Шу йил 26 майдан бошлаб Қарши шаҳридаги деярли барча идора ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ғўза чопиғи ва яганасига жалб қилинди. Қаршидаги манбаларимизга кўра, ишчилар навбати билан 10 кун давомида ётоғи ва емаги ўз ҳисобидан бўлган ҳолда далада текинга ишлашлари лозим.

24 май куни Қаршидаги деярли барча тиббий муассалар, таълим масканлари ва бошқа ташкилотларга душанбадан бошлаб, 10 кун муддатга 10 нафардан ҳашарчини далага жўнатиш топшириғи берилди.

Бу ҳақда Озодликка маълум қилган қаршилик манбага кўра, ётоқхона ва овқатланиш харажатлари ҳашарчилар зиммасига юклатилган:

“Мактаб, боғча, коллеж, институт, шифохона, поликлиника, газ ва свет идоралари, кўйингки, барча идоралар яғанага чиқишди. Ҳамма ишхонага тайёрланиш учун икки кун муҳлат беришди. 26 май куни барча ишхоналар ўнтадан ишчи жўнатди. Узоқ-узоқ туманларга ётоғи билан кетишди. Бизнинг ишхонани Яккабоққа юборишди. Харажатлар ўз чўнтагимиздан бўлар экан. Далада ишлаганимиз учун пул берилмайди, дейишди. Фақат ойлигимиз ёзилар экан”, деди Қаршидаги институтлардан бирининг ходими исмини очикламаслик шарти билан.

Қаршидаги оилавий поликлиникалардан бирининг ўзини таништирмаган масъулига кўра, душанба куни 10 нафар шифокор Китоб туманига жўнатилган:

“Биз 10 кунга 10 ишчи жўнатдик. Кейин яна алмаштириб, бошқа 10 ишчини жўнатамиз. Бир ойча яғана ва чопикка ёрдам берасизлар дейилди. Бизга ҳокимиятдаги мажлисда айтилди. Ўзи кўп идоралар бир ойдан буён далага чиқаяпти экан. Бизга энди айтилди”, деди поликлиника масъули.

Қаршидаги манбаларимизга кўра, айрим идора ва ташкилотларда ишчилар ўрнига 7000 сўмдан мардикор ёллаб жўнатилапти.

Шу кунларда ишчи-хизматчиларнинг баҳорги дала ишларига жалб қилиниши нафақат Қаршида балки бутун мамлакат бўйлаб кузатилмоқда.

Тошкент вилояти Охангарон туманидаги мактаблардан бирида ишловчи 42 яшар ўқитувчи Жонибек Усмоновга кўра, май ойининг бошидан буён тумандаги мактаб ўқитувчилари пахта чопиғига чиқарилган.

Унга кўра, маҳаллий раҳбарият чопик 45 кун давом этиши, бу вақт ичида ётоқ ва емак учун харажат тўлиқ ўқитувчининг ўз зимма-сида бўлишини айтган:



- У ёк-бу ёғи кунига 10-15 минг сўм сарф-ляпмиз. Ётоғимизга 2 минг сўм, емак-ичмак учмаҳал 10-13 минг сўм бўлаяпти. Пахта чопганимизга эса ҳеч ким пул

бермайди,- дейди пахта чопиғига сафарбар қилинган ўқитувчи.

Сурхондарёдаги Озодлик манбаларига кўра, вилоятидаги Узун тумани тиббиёт бирлашмасининг 20 дан ортиқ ходимлари 7 май куни ётоғи билан чопикка жўнатилган. Бундан ташқари ҳар куни ўнлаб ҳамширалар кунлик чопикка чиқарилмоқда.

Озодликка етиб келган хабарда Сирдарёнинг Боёвут туманидаги коллеж ва лицей ўқитувчилари баҳор бошидан буён дала ишларига мажбурлангани айтилди.

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида эса хусусий тадбиркорлар ҳам пахта чопиғига сафарбар этилди.

"Озодлик"дан.

## ҲАММАМИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗ...

### Давоми. Боши 1 - бетда

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев юксак минбарлардан туриб: “Болаларимизни туркийларнинг келажаги ва тақдирига мос ҳолда тайёрлашимиз, турклигимизни уларга ва бутун дунёга билдиришимиз керак” дегани бизни хурсанд қилади. Ҳақиқатан ҳам, агар ота оналар, мактаб ва коллежларнинг, лицей ва университетларнинг муаллимлари ўз дарсларида бирлигимиз ва дўстлигимиз ҳақида кўпроқ таълим беришса, Қирғизистон Жанубидаги конли воқеалар ҳеч қачон бизнинг худудларимизга яқин келаолмайди.

Шу йил 27 апрелида Туркияда Туркистонлилар жамиятининг I қурултойи ўтди. Бу қурултойда Ўзбекистондан, Қозоғистондан, Кримдан, Туркия ва Озарбайжондан, ҳатто Россиядан туркий халқларнинг жуда катта олимлари, шоирлари, туркчиларнинг вакиллари қатнашишди. Шунингдек, Чимкентда Дунё туркийларининг яна бир анжумани бўй кўрсатди. бу анжуманга ҳам дунёнинг турли жойларидан, хусусан Туркия, Озарбайжон,

Ўзбекистон мамлакатларидан вакиллар қатнашди...

Бизнинг дўстларимиз бор бўлганидай, дўстлигимизни кўролмайдиган душманларимиз ҳам бордир. Улар бизнинг бирлигимизни кўролмайдилар. Аммо биз, қозоқ ва ўзбек зиёллари ҳамиша хушёрмиз. Шунинг учун ҳам Қирғизистондаги машъум воқеалар Қозоғистон ёки Ўзбекистон худудида такрорланмайди, деб умид қиламиз. Украинадаги рус шовинизми Қозоғистонга ҳам, Ўзбекистонга ҳам зарар келтираолмайди.

Албатта, муаммолар бор. Бир пайтлар Ҳозирда Ўзбекистон худудида бўлган Амангелди савхозиди кўнгилсиз воқеалар содир бўлди. Ўзбекистондаги Чирчикда ва Жанубий Қозоғистоннинг, Пахтазарбдор, Кенгкўл қишлоқларида айрим ёшлар ўртасидаги келишмовчиликлар бўлиб ўтди, ҳукуматларимизнинг, фаол кишиларнинг аралашуви билан бартараф этаолдик. Бундай кўнгилсизликлар бўлмаслиги ва уларнинг олдини олиш учун биз ҳам ҳукуматларимизга ёрдам бермоғимиз лозим...

Худди шу мақсадда, биз Қозоқ

ва ўзбек фанзандлари Сейтбой Байдуллаев, Ботир Норбоев, ва ушбу мақола муаллифлари “Туркистон тонги” ва “Туркистан таңи” номларида икки газета чиқаряпмиз. Мақсадимиз Туркистонда, Марказий Осиёда тинчликни сақлашга ёрдам бериш, халқларимиз ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаш. Газетанинг ҳар бир сониди “Миллат кўпдир Туркистонда, ери суви нони бир, Томир битта, Ватан битта, демак улар қони бир”, деб бекорга тақрорланмайди.

Хурматли муштарийлар, бу нашрлар беш-ўн кишининг эмас, ҳаммамизнинг газетамиздир. Биз халқларимиз ўртасидаги дўстликни, иттифоқликни юқори кўтариш, айрим муаммоларни халқларимиз қадриятларини эъозлаган ҳолда ёритишни мақсад қилиб газета очганмиз.

Шунингдек, агар Сиз қозоқ, ўзбек, рус тилларида мақолалар, помфлетлар, шеърлар билан қатнашишингиз мумкин.

Бу газеталарга обуна бўлишларингизга умид қилиб, таъсисчилар номидан -

**Айтқали СОДИҚОВ,  
Раҳимтой БЕГАЛИЕВ.**

## ОЗОДЛИК, ВВС ВА АМЕРИКА ОВОЗИ ХАЛҚАРО РАДИОСТАНЦИЯЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИГА!

Сизларга маълумки, жорий йилнинг 26-27 апрел кунлари Американинг Сент Луис шаҳрида Бирдамлик Халқ Демократик ҳаракатининг Таъсис Қурултойи бўлиб ўтди.

Биз бу ҳақда ОЗОДЛИК, ВВС ВА АМЕРИКА ОВОЗИ ХАЛҚАРО РАДИОСТАНЦИЯЛАРИНИНГ тахририятларига 10 кун олдин расмий хат юбордик ва мухбирларингиз бу анжуманда қатнашиб хабар тарқатишларини ўтиндик!

Малумингизки, Бирдамлик халқ демократик ҳаракатининг раҳбарлари ва аъзолари Ўзбекистондаги режимга қарши тинч, нозўровон йўл билан кураш олиб бормоқдалар. Ўзбекистоннинг ва дунёнинг турли жойларида минглаб аъзоларимиз ва хайрихоҳларимиз бор. Ўзбекистонда ва Американинг турли жойларида кўплаб тадбирлар, пикетлар ва тинч намойишлар ўтказишга муваффақ бўлдик. Нозўровон курашни тарғиб қилувчи кўплаб китоблар ва кинофильмларни инглиз тилидан таржима қилдириб “Birdamlik info” ва “Mulkdor.Com” каби сайтларимизда ёйинладик. Дунёнинг турли жойларида яшаётган муҳолифатчилар, журналистлар, шоир ва олимларнинг Ўзбекистон режимининг авра-астарини ағдаргувчи мақолаларини, шеър ва помфлетларини нашр этдик ва бу ишларни-янада изчилроқ шаклда давом эттирмақдамиз. Бирдамлик халқ демократик ҳаракатининг интернет радио ва телевиденияси баҳоли-қудрат ишлаб турибди.

Юқорида айтилган таъсис қурултойимизда Ўзбекистоннинг ўзбек, рус ва тожик миллатига миллатига мансуб таниқли кишилар, ўзбек муҳолифатида 25 йиллардан бери фаолият олиб борган ветеран курашчилар, фан докторлари, профессор ва ассистентлар, ижодкорлар, турли касб эгалари қатнашдилар. Германиядан, Россиядан, Канададан журналистлар иштирок этишди. Ўзбекистоннинг Америкадаги биринчи (ҳозирда собиқ) элчиси, муҳолифат намояндаси Бобур Маликов анжуманга ташриф буюриб нутқ сўзлади.

Айрим партия ва ҳаракатлар бундай анжуманлар ўтказганида узоқ жойлардан бажонидил учиб келадиган ўзбекзабон радиоларнинг мухбирлари (айниқса, шу мамалакатнинг ўзида яшайдиган Америка овози радиоси мухбирлари) 40 кишидан ортиқ вакиллар ва ўнлаб меҳмонлар иштирок этган бу Қурултойи ҳақида ҳаққоний хабар тарқатишни ўзларига эп кўришмади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу радио мухбирлари ўзбек муҳолифатининг фаол қисмларидан бири бўлган Бирдамлик халқ ҳаракатининг Таъсис қурултойини феълан рад этиш ва панжа орқасидан қараш йўлига ўтиб олишди. Буни биз демократик муҳолифатга ҳақорат ва журналистика этикасига зид ҳол сифатида баҳолаймиз. Уларнинг ўзбек демократиясига, жабрдийда ўзбек халқи ҳаётига лоқайдлиги, тарафқашлиги, демократияга хиёнати, диктаторлик режимига хизмат ўрнида кўринмоқда.

Сизларга бўйсунувчи бу радиостанция мухбирлари ва раҳбарларининг биз айтаётган айбларини исботловчи ўнлаб далилларимизни бор ва Америкадаги бош офисингизнинг раҳбарларига буларнинг бир қисмини баён этдик.

Шуларни ҳисобга олиб бу радиоларда маълум демократик ислохотлар ўтказилишини, лоқайдликка, ўзбўларчиликка ва тарафқашликка йўл қўйган, Ўзбекистон билан боғлиқ демократик ҳаракат ва партиялар фаолиятини ёритишда собитқадамлик қилмаган ходимларингизга чора кўришларингизни сўраймиз.

**БИРДАМЛИК ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ҲАРАКАТИ РАИСИ  
Баҳодир Чориев.**

# Дунё туркийлари глобаллашган дунёда



Агарки, шу пайтгача, инсоният маданияти ва тафаккури тарихида диффузия, тарқалиш, турфаланиш кузатишга бўлса, мана бугунга келиб, бутун бир инсоният ва унинг тафаккури, кадриятлари, карашлари бир сафга тизилиб, бир-бирига жиддий назар билан қарамоқда, ўрганмоқда, баҳс-мунозарага кириша бошламоқда. Айтиш мумкин, шу пайтга қадар, рақобат локал ва чегарадош табиатга эга бўлган бўлса, энди дунёдаги барча кадриятлар тизимлари глобал рақобатга, конкуренцияга кириша бошладилар. Биз, ушбу глобал юзлашувнинг, глобал танишув ва баҳс-мунозараларнинг энг бошланғич бир палласида турибмиз, ва бу баҳс-мунозаралар, рақобатнинг энг асосий таснифловчи омили – ўзлик (рус тилида “идентичность”), кимлик масаласидир.

Ўзлик бугунги глобал дунёдаги кучлар нисбатини, ресурсларни, реал дўстлар ва потенциал оппонентларни аниқлаб берувчи кўрсаткичдир. Ўзликнинг аҳамияти шундаки, инсонлар – кадриятлар, тарихий хотиралар, интилишлар, манфаатлар ва айниқса, мақсадлар билан яшар экан, ўзлик айнан мана шу омиллари ўзида ифодаловчи марказий ўлчов биригидир. Инсон ўзликсиз бўлиши, яшаши мумкин эмасдир. Ҳар бир инсон “мен кимман”, “яшашдан мақсад ва вазифа нима”, “кимлар менинг дўстларим, қисмлар эса мени рақибларим” деган саволларга жавоб излаши тайин. Глобал дунёда, давлатлар ва миллатлар ўртасидаги энг қудратли ва мустақкам иттифоқлар, барқарор зиддиятлар, айнан ўхшаш ёки фарқли ўзликлар негизи асосида кечадилар ва бу муносабатларга “цивилизация” таъриф берилди. Агар локализм даврида инсонлар борган сари турфахилликка, тарқоқликка юз тутган бўлса, глобаллашган дунёда борган сари умумийлашув, интеграция кузатилади ва биринчи ўринда яқин ёки айни бўлган миллатлар ва давлатлар интеграцияси кутилади.

## Дунё туркийлари

Етти миллиарддан ошқ инсоният глобаллашувга турфа хиллик билан етиб келди. Инсон учун энг қадри ўзлик – “сиз кимсиз” деган саволга биринчи бўлиб берган жавоби ва бу унинг воз кечиши қийин бўлган ўзликдир. Инсоннинг она тили билан боғлиқ ўзлик – энг самимий ва табиий ўзликдир. Тарихий локализм даврида бир-бирини таржимонсиз тушунадиган, маданияти ва эҳтиятли ўхшаш, яқин ёки айни бўлган миллатлар ва давлатлар сони кўп эмас. Қиёслаган учун айтадиган бўлсак, агар кимдир армени ёки грузин бўлиб туғилган бўлса, бу миллатларнинг қардошлари мавжуд эмас, шунингдек, ушбу миллатларнинг географик-демографик муҳити ҳам кенг эмас. Лекин, яқин ёки айни тилга асосланган баъзи бир миллатлар ва давлатлар иттифоқи борки, улар жуда қудратлидир.

Масалан, англасаксонлар – АҚШ, Бирлашган Қироллик, Канада, Австралия ва Янги Зеландия яшади, бу ягона тилга ва протестант конфессиясига асосланган иттифоқ дунёда энг қудратли иттифоқдир. Ёки, Латин Америкаси – улкан маданият ва географик муҳитидир, араб дунёси – сиёсий тарқоқ бўлсада, диний анча яхлит, маданий ва ахборот хуудиди тўла узвийдир. Шу жамладан француз тилида сўзлашувчи давлатлар ва миллатларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Локализмдан глобализмга етиб келишга муваффақ бўлган яна битта ягона тиллар оиласига кирувчи миллатлар ҳамжамияти – дунё туркийларидир. Дунё туркийлари – сайёра-мизнинг энг катта қитъаси, Евросиёнинг ўта

Инсоният тарихини нисбий маънода икки ўта йирик қисмга бўлиш мумкин: локализм ва глобаллашув. Инсониятнинг шу пайтгача давом этган тарихий даврини “локализм”, “локализм” деб таърифлаш мумкин. Минг йиллар давомида инсонлар ўта чекланган географик муҳит ва шартларда ўз атрофига таъсир қилишган ва кейинги бир-икки асрга қадар, ўрта статистик одам ўзи яшаб турган муҳитда, тахминан олти километр радиус атрофида воқеа-ҳодисаларни билиш ва таъсир қилиш қобилиятига эга бўлган ҳолат. Яъни, ахборот олиш, яратиш ва тарқатиш имкониятлари географик тўсиқлар билан чеклаб-чегараланган эди. Инсониятнинг шу пайтгача давом этган даври – локализм тугади, ва биз эндигина янги – глобаллашган дунёга кириб келмоқдамиз. Инсоният тарихи учун бир неча ўн йилликлар – ўта қисқа давр. Ва айнан кейинги бир-икки ўн йилликларда ахборот глобаллашувни кузатишмоқда. Инсониятнинг глобаллашув шароитларида яшаш таъбири мавжуд эмас, келажакни тасаввур қилиш, уни устига, келажакни моделлаштириш ўта мураккаб вазифадир.

кенг географик сарҳадларида яшаб келадиган миллатлар ва халқлар ҳисобланишади.

Дунё туркийларининг сони борасида аниқ келишилган маълумотлар мавжуд эмас. БМТ ва АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси охириги йиллик ҳисоботларига кўра, сайёра-миздаги туркий тилларда сўзлашувчи аҳоли сони камидан 180-200 миллионни ташкил қилиши, Туркиядаги илмий-сиёсий доиралар маълумотларига кўра эса, биринчи ва иккинчи тил сифатида туркий тилларда гаплашадиганлар сони 250 миллиондан ортиши айтилади.

Туркий тиллар оиласи – дунё моноглотинининг маркази ва хотимаси бўлган Ислом динининг тўртинчи кенг тарқалган тил гуруҳидир. Туркий мусулмонлар, сони ва салмоғи бўйича, 1,65 миллиардлик Ислом цивилизациясида араб (21 давлат тили) индонез-малай (Индонезия, Малайзия, Бруней, Сингапур) ва бенгал (Бангладеш, қисман Ҳиндистон) тиллари каторида, биринчи тўртликка қиради, ва туркийлар мусулмон дунёсининг шимолий халқлари ва миллатлари ҳисобланишади.

Шу билан бирга, туркий дунё кейинги асрларда ўта машаққатли давларни бошидан кечирди ва кечирмоқда. Туркий дунё – мустақлака қилинган дунё. Туркий дунё нинг фақат битта вакили – Туркия, кейинги асрларда инсоният тарихида ҳукмрон бўлган мустақлакачилик исқанжасидан омон қолган давлатдир. Бугунги кунда мустақил туркий давлатлар сони олтидир: Туркия, Ўзбекистон, Қозғистон, Озарбайжон, Туркменистон ва Қирғизистон. Рўйхатдаги кейинги бештаси яқинда мустақилликни қўлга киритган, ва ҳали тўлақонли сиёсий-иқтисодий рақобатбардош жамиятлар қуриб улгурмаган давлатлардир. Шу бугунги кунда ҳам дунё туркийларининг кўплаб миллатлари ва халқлари мустақилликка ва давлатларига эга эмас. Жумладан, Шарқий Туркистон уйғурлари, Россия Федерацияси таркибидаги татарлар, бошқирлар ва х.к.

Афсуски, бир неча юз миллионлик дунё туркийлари, тарихан шақланган тил ва дин ўзлиги нақадар қимматли ресурс эканлигини англаб етганлари йўқ. Дунё туркийларининг, айниқса, янги мустақил бўлган туркий тилли давлатларнинг онги, сиёсий маданияти, ҳали хануз локализм даврида қолиб келмоқда – улар ҳамкорлик, самарали сиёсий-иқтисодий иттифоқлар шакллантиришдан кўра, ўзини ташки дунёдан ихоталаш ва ўз муаммоларини яқка тартибда, муаммолни йўллар билан ечишни табиий деб қўришади.

## Турк дунёси давлатлари

Туркий дунёнинг энг қудратли давлати – Туркия бўлиб, аҳоли сони, сиёсий салоҳияти, иқтисодий имконияти, ҳарбий қудрати ва бошқа бир қанча мезонлар бўйича туркий дунёнинг муқаддимли лидеридир. Туркия, ўзининг бир триллионлик ялпи ички маҳсулотига тенг иқтисодийёти билан, дунё давлатлари орасида 16-17 ўринларда келади, ва мусулмон дунёсида биринчи ўринда туради. У “Буюк Ўнгирматалик”ка қирадиган ягона туркий давлатдир. НАТОга аъзо ягона туркий ва мусулмон давлати, аънавий (ядро қуролдан ташқари бўлган) ҳарбий салоҳияти бўйича Европада энг қудратли ва альянсда АҚШдан кейинги иккинчи давлатдир.

Давлатнинг қудрати, унинг потенциални ўлчовчи бир қанча мезонлар мавжуд. Жумладан, бу давлатнинг аҳоли сони ва инсон салоҳияти ривожланганлиги, ҳудудининг катталиги ва жойлашув аҳамияти, иқтисодий тараққиёт, ҳарбий салоҳият, табиий бойликлар, унинг тарихи ва бошқа омиллари. Ўзбекистон, жамият ва давлат сифатида ушбу мезонлар билан ўлчанганда, минтақада, турк дунёсида ва улкан Ислом дунёсида алоҳида ўринга ва аҳамиятга эга.

Глобал туркий дунёнинг иккинчи кўп сонли давлати – Ўзбекистондир. 1991 йилда мустақилликка эришган Ўзбекистон аҳолиси, расмий статистик маълумотларга кўра, мустақиллик арафасида 19 миллиондан ошарди. 2012 йилнинг охирига келиб, Ўзбекистон

аҳолиси 30 миллиондан ошганлиги расман эълон қилинди. Ўзбекистонда йиллик соф аҳоли кўпайиши тахминан 420 минг одамни ташкил қилади.

Биринчи ўрин. Ўзбекистон аҳоли сони-салоҳияти бўйича Марказий Осиёнинг биринчи давлатидир. Марказий Осиёнинг ялпи аҳоли сони 65 миллионга яқин бўлса, ундан сал кам ярми – 30 миллиони битта Ўзбекистонда истиқомат қилади...

Иккинчи ўрин. Шу кунга қадар олтига туркий тилли мустақил давлат мавжуд бўлса, Ўзбекистон 75 миллионлик Туркиядан кейинги улкан турк дунёсининг иккинчи давлати ҳисобланади. Демак, ўттиз миллионлик Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги ва пост-совет ҳудудидаги туркий тилда сўзлашувчи биринчи давлатдир.

Учинчи ўрин. Ўзбекистон жорий аҳоли сони билан пост-совет ҳудудида Россия Федерацияси (аҳоли сони 140 миллионга яқин) ва Украина Республикасида (45 миллион атрофида) кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Пост-совет ҳудудида кузатишган демографик тенденцияларга кўра эса, Ўзбекистонда аҳоли кўпайиши бўйича муқаддимли лидер ҳисобланади. РФ ва Украинада демографик тенденция жадал қисқариш томонга кетаётган бир пайтда, Ўзбекистонда йиллик соф аҳоли кўпайиши тахминан 420 мингга ташкил қилади. Агар ушбу тенденция сақланиб қолса, тахминан 2,5-3 ўн йиллик ичида Ўзбекистон пост-совет ҳудудининг иккинчи ўрнига чиқади, Украина эса учинчи ўринга тушади.

Ўн бешинчи ўрин. Улкан, динамик Ислом цивилизацияси тахминан 1,65 миллиард аҳолини қамраб олади, энг салоҳиятли Исломий ташкилотлардан бири ҳисобланиши Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига 54дан ортиқ давлатлар аъзо. Бу ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисининг муқаддимли кўпчилиги, ёки салоҳиятли қисми Ислом динига эътиқод қилишади. Энг йирик мусулмон давлатлар Индонезия (234 млн.), Покистон (164 млн.), Бангладеш (151 млн.) ҳисобланишса, Ўзбекистон ўзининг Исломга эътиқод қилувчи аҳоли сони билан мусулмон давлатлари ичида иккинчи ўнгиликнинг ўртасидан – ўн бешинчи ўринда жойлашади. Маълумки, ўттиз миллионлик Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 90-92% Ислом динининг Аҳли сунна-вал жамоа маъзабида ҳисобланади.

Ўзбекистон улкан туркий дунёнинг Туркиядан кейинги иккинчи йирик давлати, Марказий Осиё минтақасидаги, қолаверса пост-совет ҳудудидаги энг йирик туркий давлат ва мусулмон жамияти ҳисобланади.

Ўзбекистон мусулмон жамоасининг катталиги билан, Саудия Арабистони (28 млн аҳолининг 15% шиа маъзабида эътиқод қилиши айтилади), Хитой Халқ Республикаси (мусулмон аҳолиси тахминан 20-25 млн атрофида баҳоланади, лекин мусулмонларнинг реал сони ХХР томонидан яшириб келинади), Яман (25 млн.), Малайзия (29 млн. аҳолининг 60-65% Исломга эътиқод қилади) каби давлатлар билан ёнма-ён, ёки улардан олдинда туради. Яни, Марказий Осиё давлатлари орасидаги, қолаверса, пост-совет ҳудудидаги энг йирик мусулмон жамоаси Ўзбекистонда истиқомат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон дунё ўзбекларининг миллий маркази, эпичентр давлати ҳисобланади. Бутун дунё бўйлаб кейинги асрларда тарқалиб кетган ўзбекларнинг сони аниқ эмас, Ўзбекистоннинг истисносиз барча қўшни (Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон, Туркменистон) давлатларида катта сонли маҳаллий (автохтон) ўзбек аҳолиси яшайди, бу аҳоли ушбу республикалардаги баъзан иккинчи, баъзан учинчи этник гуруҳлар ҳисобланишади. Салоҳиятли ўзбеклар (туркистонийлар) жамоалари Туркияда, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларда истиқомат қилишса, яқиндан бошлаб ўзбек диаспоралари шаклланиши ғарб давлатларида, жумладан, Россия, Украина, АҚШ ва ғарбий

Европа давлатларида ҳам бошландилар. Тахминий ҳисобларга кўра, дунё ўзбекларининг сони 34-40 миллион атрофида бўлиши мумкин.

Турк дунёсининг учинчи аҳолиси йирик давлати Қозғистон бўлиб, ҳудуди жиҳатидан эса энг йирик туркий давлатдир. Қозғистон ҳудуди катталиги жиҳатидан дунёдаги тўққизинчи йирик давлатки, ўзининг 2 миллион 724 минг кв.км сарҳадлари билан Туркиядан сал кам уч ярим баравар, Ўзбекистон ва Туркменистондан эса олти баравар, Қирғизистондан 13,7 баравар, Озарбайжондан эса 31,6 баравар каттадир.

Лекин аҳоли сони жиҳатидан эса, Қозғистон Туркиядан 4,7 баравар, Ўзбекистондан икки баравар кичик давлатдир. Айни пайтда, Қозғистон аҳолисининг таркиби нуктаи назардан, туркий бўлмаган аҳоли улуши энг йирик бўлган туркий давлатидир. 16 миллионга яқин Қозғистон аҳолисининг тахминан беш миллионга яқини руслар ва русийзабон, туркий бўлмаган миллатларни ташкил қилади.

Озарбайжон ўзининг сал кам ўн миллионлик аҳолиси билан тўртинчи йирик, ва Кавказ минтақасидаги ягона туркий давлат ҳисобланади. Расмий маълумотларга кўра, Қирғизистон аҳолиси 5,5 миллионни, Туркменистон аҳолиси эса 5,1 миллионни ташкил қилади. Яна бир мустақил туркий давлат сифатида Шимолий Кипр Турк Республикаси ни ҳам зикр қилиш мумкин. Шимолий Кипр аҳолиси сал кам 300 минг кишини ташкил қилади, ҳудуди эса 3300 кв.км.

Айни пайтда, юқорида айтилгандек, ҳали кўплаб туркий халқлар ва миллатлар ўзларининг мустақил давлатчилигига эриша олмагани йўқ. Шарқий Туркистон – Шинжон Уйғур Республикаси Хитой Халқ Республикаси таркибий қисмида – расмий Пекиннинг темир панжаралари остида, қаттиқ босимлар билан мажбурий ассимиляция қилинмоқда. Шарқий Туркистон – Шинжон Уйғур Республикаси ўзининг 1 миллион 743 минг кв.км сарҳадлари билан, туркий дунёнинг тутқиндаги энг йирик яхлит ҳудуди ҳисобланади. Агар Шинжон Уйғур Республикаси давлат мустақиллигини шу бугунги кунда қўлга киритганида эди, у улкан туркий дунёнинг ҳудуди жиҳатидан иккинчи (Қозғистондан сўнг) йирик давлати, аҳолиси жиҳатидан (Туркия ва Ўзбекистондан сўнг) учинчиси бўларди. Маълумки, Шарқий Туркистон – Шинжон Уйғур Республикаси ҳозирги ХХР умумий ҳудудининг олтидан бир қисмини ташкил қилади. ХХР назорати остида уйғурлардан ташқари яна кўплаб туркий миллатлар мавжуд, жумладан, қозоқ, дўнган, қирғиз ва бошқа миллатлар.

Умумий аҳолиси 140 миллионни ташкил қиладиган Россия Федерациясидаги иккинчи йирик тиллар оиласи – туркий тиллардир. Тува Республикаси, Чуваш Республикаси, Бошқирдистон Республикаси, Татаристон Республикаси, Саха-Ёкутистон Республикаси, Қорачой-Черкас Республикаси, Олтой Республикаларининг туб, маҳаллий аҳолиси ва титул миллатлари – туркийлар, ҳозирги кунда ҳам бу республикалар аҳолисининг муқаддимли аксариятини ёки ярмини ташкил қилади. Шунингдек, туркий халқлар Россия Федерациясининг Доғистон Республикаси, Кабардин-Булғор Республикаси, Ҳақасия Республикаси ва яқинда босиб олинган Қирим ярим оролида яшади. РФ таркибида яна бошқа кўплаб туркий миллатлар борки, улар ўзларининг миллий-худудий давлатларига, республикаларига ёки вилоятларига эга эмас: қўмиқлар, туркманлар, нўғайлар, сибири татарлари ва бошқалар. РФ таркибидаги туркий халқлар ва миллатларнинг умумий, яхлит сони тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас, лекин тахминий маълумотларга кўра, уларнинг сони 20 миллиондан ошади.

Табиийки, туркий тилларда сўзлашувчи автохтон миллатлар ва халқлар, бошқа давлатларда ҳам яшади.

(давоми 5 бетда)

# Дунё туркийлари глобаллашган дунёда

Жумладан, Эрон Ислом Республикасида, Ироқда, Болгарияда, Молдавияда ва кўплаб бошқа давлатларда истиқомат қилишди. Кейинги бир неча ўн йилликларда миграция ва эмиграция орқали, Европа ва Шимолий Америка давлатларида ҳам кўп сонли туркий халқлар диаспораларига асос солинди.

## Марказий Осиё ва Ислом

Маълумки, тил бирлиги ёки этник яқинлик тўлақонли интеграцияга асос, мафкура бўла олмайди, интеграцияга кўшимча, лекин кучли восита ҳисобланиши мумкин. Бир тилда ёки яқин тилларда сўзлашувчи, лекин бетиним зиддиятларда бўлган халқлар ва миллатлар кам эмас. Тил ва этник яқинлик, ўхшашликнинг социал функцияси ҳар доим ҳам интеграция эмас, яни тил мустақил равишда – дунёқараш бирлигини, кадрятлар яхлитлигини шакллантирмайди.

Тил ва этник яқинлик қулай коммуникация воситаси, агар икки тарафнинг кадрятлари бир-бирига ўхшаш бўлганда, яқин ёки бир тил ушбу дунёқараш яқинлигини янада кучайтиради. Замонавий таъсирнинг дунёқараш тизимлари – мафкуралар, сиёсий-фалсафий оқимлар ва динлардир. Айниқса, Ислом дини каби мустақам, мантқан узвий, ҳаётӣ, инсон табиатига хос тарихий эволюцияларга чидамли, ғоялар корпуси ўта кенг ва чуқур бўлган дунёқараш-кадрят тизимининг муқобили ёки кучлироғи мавжуд эмас. Ислом дини инсоният тарихида ягона силсилага ва узвийликка эга Тавҳид анъанасининг хотимаси ва марказидир.

Марказий Осиё минтақаси маҳаллий аҳолиси этник жиҳатдан туркийлар ва тожиклар (форсийлар)дан иборат. Лекин, бутун минтақанинг маҳаллий аҳолисини бирлаштирувчи, эффектив интеграцион омил – бу Ислом динидир. Унинг устига, минтақа аҳолисининг Исломий эътиқоди ягона мазҳабий-фикхий мактаб доирасида бўлиб, бу ўринда жуда сезиларсиз истиқнолар кузатилади ҳоло.

Маълумки, ҳар бир ўзликнинг бир қанча функциялари бўлади. Интеграция, бирлашув – ўзликнинг муҳим вазифалардан бири экан, ушбу вазифанинг яна бир қирраси – ташқи бегона ва таҳдидли ўзликларга қарши муҳофаза қила олиш вазифаси ҳамдир.

Марказий Осиё минтақаси учун Ислом дини – ягона интеграцион ўзлик, ва ягона ташқи таҳдидлардан муҳофаза ўзликдир.

Бугунги Марказий Осиё – пост-атеистик минтақадир. Давлатларнинг сиёсий элиталари Исломга қатта эътиёрликдан тортиб очик қаршилиқ руҳида қарашди. Минтақанинг барча беш республикасида Исломга нисбатан ягона сиёсатнинг турли даражадаги ифодасини кузатиш мумкин. Ҳукуматларнинг дин борасида ўзларининг олдига қўйган вазифалари – ўз аҳолисининг Исломий диндорлик даражасини имкон қадар паст ушлаб туришдир. Бу стратегия барча давлатларга бирдек тегишли бўлиб, баъзиларида (Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозғистон) бу сиёсатнинг қаттиққўллиги ҳукуматлар қўлидаги ресурслари билан боғлиқ бўлса, Қирғизистондаги нисбатан юмшоқроқ вазият давлатнинг фарқли стратегияси билан эмас, ҳукуматнинг заифлиги билан белгиланади.

Минтақادا ўзининг Исломий ўзлигини энг кучли бостиришга интилайтган давлат – бу Ўзбекистондир. Ўзбекистон нафақат ўзининг диний ўзлигига ҳавотир билан қараётган давлат, балки ўзининг этник ўзликларини ҳам энг паст даражада тан олаётган давлатдир. Ўзбекистон аслида шундай ноёб давлатки, у бир томондан туркий дунёнинг аъзоси, айни пайтда, ўзининг кўп сонли тожик аҳолиси ва бой тарихи билан форсий дунёнинг ҳам таркибий қисмидир. Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатлари билан биргаликда, туркий-форсий дунёларнинг “кўприк” давлатлари сирасига қиради.

Бугунги кундаги Ўзбекистон, ўзини ифодаловчи ўзликларни қандай тартибга солишни, яраштиришни, улар иштирокида геосиёсий иттифоқлар тузишни, ички ва ташқи сиёсатда барқарорлик, муҳофаза ва тараққиётга қаратилган кучли воситага айлантиришни билмайди. Шу сабабли, Ўзбекистон бу ўзликларни ифодалаш борасида, уларни “баравар инкор қилиш” мавқеида турибди.

Марказий Осиё давлатлари, мустақилликка эришгач, ўзларининг келажакларини “дунёвий позициядаги демократик жамият ва ҳукукий давлат”га қўришларни билдириш-

ди. Глобализм босими остида, минтақанинг бошқа тараққиёт йўли ва моделини тасаввур қилиш қийин. Гарчи ҳозирги барча беш республика авторитар бошқарув моделининг ҳар хил даражадаги қаттиққўллик режими билан белгилансада, шу нарса маълумки, келажакда инсонларни, жамиятларни тўлақонли назорат қилиш, ва бу орқали авторитар режими унинг умрини сақлаб қолиш истиқболсиз. Глобализм, информационализм эркинликни ҳар тарафдан парваришлар экан, МО давлатларидаги режими унинг табиати босқичма-босқич ёки инқилобий йўл орқали ўзгариши ҳам табиийдир. Ҳукукий давлат ва демократик жамиятларда эса дин борасидаги эски стратегия – аҳолининг диндорлик даражасини назорат қилиш, имкон қадар паст ушлаб туриш стратегияси ҳам яроқсиз ҳолга келади.

Ўйламанки, МО давлатлари учун демократик, дунёвий тизимларни ривожлантирган шароитдаги дин борасидаги ягона мақбул стратегия – диний фаоллар, институтлар ва диндор аҳоли қатламларини жамиятнинг изоляция қилинган, назорат ва босим остидаги қатлампидан ижтимоий-сиёсий масъул қатламга айлантириш стратегиясидир.

Бу стратегиянинг замирида давлат, жамият ва диний қатлам ўртасидаги ишончсизлик – ишончга, ихоталаш – эркин фикрлаш, эркин ҳаракатланиш ва ҳамкорликка алмаштирилади. Бунда жамиятнинг диний мойилликлари тизинлаб турилмайди, назорат қилинмайди, балки доимий диалог орқали жамиятнинг сиёсий (эркинлик, зулмларсиз ҳаёт), иқтисодий (фаровонлик) ва маънавий (солиҳлик, кўнгил халовати) манфаатлари ўртасида узвий мутаносиблик изланади.

Агар эътибор берилса, Ислом динига эътиқод қиладиган туркий халқлар ва миллатлар ташқи босимларга, ассимиляция қилишга уринишларда анча бардошли ҳисобланади. Унинг устига, қайси бир мусулмон туркий халқнинг диндорлик даражаси юқорилик экан – у демография, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан нисбатан салоҳиятдир. Аксинча, қайси бир туркий халқнинг Исломий диндорлик даражаси, диний тарихи ва диний тафаккур тажрибаси пастроқ ва кискароқ экан – унинг салоҳияти ҳам мутаносиб равишда кискадир. Ислом динидан ташқарида қолган туркийлар эса – бугунги кунда йўқолиб бораётган, ассимиляция қилинган халқлар ҳисобланишади. Ислом дини инсонларга ва жамиятларга мисли кўрилмаган даражада социал энергия берувчи омилдир. Ислом дини уни ифодалаётган тилни кенгайтириб юборади. Мисол учун, баҳайбат одамга кичик боланинг қийимлари сиғмагани каби, Исломдаги улкан ғоялар ва тушунчаларни ифодалаш учун, у ҳақда гапираётган ҳар қандай тил кенгайтишга, ривожланишга мажбур бўлади.

Марказий Осиё минтақаси, қолаверса қолган ҳудудларда ҳам, туркий тиллар ва Исломий эътиқод, бир-бирини тўлдирувчи омил бўлиб, Ислом қардош халқлар ўртасидаги зиддиятларни, ўзаро миллатчиликни, шовинизмни эффектив бостира оладиган ягона тизим сифатида намён бўлади. Айнан шу сабабларки, Ислом дини ва туркийлик бир томондан ички жиёслаштирувчи рол ўйнаса, иккинчи томондан туркий бўлмаган халқлар билан боғловчи, бирлаштирувчи омил сифатида кадрланиши лозим.

## Туркий дунёнинг долзарб вазифалари

Туркий дунё, географик улкан, демографияк салоҳиятли бўлишига қарамадан, у сиёсий пароканда, маданий ва геосиёсий тарқоқ, глобал сиёсатнинг қудратли субъекти эмас, объекти бўлиб қолмоқда. Ҳаттоки мустақил туркий давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишончдан кўра, шубҳаланиш, носоглом рақобат ва бир-бирини инкор қилиш устулиги кўришиб туради. Туркий дунёнинг биринчи ва иккинчи давлатлари – Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни “барқарор совуқлик муносабатлари” деб таърифлаш мумкин. Ўзбекистонда бугунги кунда шаклланган сиёсий тизимга кўра, давлат бошқаруви коллектив стратегик фикрлашга эмас, якка шахс хотирасига, кечинмаларига асосланган экан, бу икки давлат ўртасидаги муносабатларда масъулият кўпроқ Туркия зиммасига юкланади. Яни, бугунги кундаги шароитда, икки давлат ва икки халқ ўртасидаги муносабатларни ижобий кўришишда сақлаб туриш ва имкон қадар ривожлантириш масъулияти расмий Анкарага кўпроқ юклатиладики, бугунги кундаги рас-

мий Тошкентнинг айбларини рўқач қилиб, иккинчи туркий жамиятни ўз ҳолига ташлаб қўйиш тарихий, стратегик хато бўлади. Туркия қисман шу йўлдан кетмоқда ҳам. Туркия бир тарафлама Ўзбекистон ватандошларига визани бекор қилди ва бу қадмининг жиддий ижобий натижалари кузатилмоқда. Туркия, аста-секинлик билан, Ўзбекистон жамияти учун Россиядан кейинги – иккинчи геосиёсий ва геомаданий ориентир бўлиб бормоқда.

Айни пайтда, Туркия ташқи сиёсати, дипломатиясининг Ўзбекистон йўналишидаги вазифаси – Ўзбекистон ва Туркия жамиятлари ва давлатлари ўртасидаги узвийликни, ҳамкорликни, ишонч ва интеграция даражасини тинимсиз юқори паллага олиб чиқишга қаратилган бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, Туркиянинг Ўзбекистон борасидаги сиёсатида бирламчи омил деб – якка шахслар ва якка лойиҳалар эмас, ўттиз миллионлик Ўзбекистон жамияти қаралиши лозим. Бугунги кунда авторитар режим Ўзбекистон жамияти устидан мустақам монополия ўрнатиб олган. Расмий Тошкент халқроқ майдонда инжиқ ва беқарор ҳамқор, хусусан Туркия учун ҳам. Агарки, Туркия олдида бугунги Ўзбекистондаги каби, бир томондан якка шахслар-лойиҳалар, бошқа томондан жамият-давлат ўртасида зиддият мавжуд бўлар экан, Туркия ўзида шундай сиёсий-дипломатик салоҳият топиши керакки, лойиҳа шахсларнинг ҳавфсизлигини таъминлаган ҳолатда, жамиятга эътиборнинг устулигини исботлаши, стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳамкорликни барқарор давом эттириши лозим.

Турк дунёсининг йирик муаммоларидан бири – ягона ахборот ҳудудининг мавжуд эмаслиги. Араб дунёси қанчалик сиёсий тарқоқ бўлмасин, барча араб жамиятлари Ал-Жазира, Ал-Арабия ва бошқа ОАВлари таъсири остидаги ягона ахборот муҳитида яшайди. Англосаксон дунёси узвий ахборот, сиёсий, диний, ва ҳавфсизлик тизимида бирлашгандир. Лотин Америкаси ҳам кейинги ўн йилликлар ичида анча сиёсий ва иқтисодий интеграцияга юз тутди. Лекин турк дунёси ҳали ягона ахборот ҳудуди яратиш борасида жиддий ўйлаб ҳам кўргани йўқ. Унинг устига, янги мустақил бўлган туркий давлатлар ҳам ўзларининг хусусий ахборот мақолатларини шакллантира олишмади.

Турк дунёсининг асосий мустамақачилари икки йирик империядир. Бири – кўпгина экспертлар томонидан “сўнаётган” деб таърифланувчи Россия Федерацияси бўлса, иккинчиси, ўта тезлик билан ривожланаётган Хитой Халқ Республикаси. Бу икки давлатни бир қанча омиллар бирлаштириб туради: аксил-ғарб, аксил-Исломий ва ниҳоят, аксил-туркий (уларга кўра, сепаратистларга қарши) кайфият, мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик.

РФ томонидан Қиримнинг ҳарбий куч ва сиёсий технологиялар орқали Украинада юлиб олиниши глобал сиёсатда қатта ўзгаришларни бошлаб берди. Қоғосистоннинг Россияга бўлган ярим ишонч-ярим ҳавотир кайфияти тўлалигича ҳавотир билан алмашди. Марказий Осиё давлатлари, чорак аср олдин каби, Москвага нисбатан тўлақонли кўрқувга ботди. Турк дунёси ва унинг лидери Туркия олдида турган вазифалардан биринчиси – мустақил туркий давлатлар билан шу пайтгача шаклланган муносабатларни қайта кўриб чиқиш, эски совуқ муносабатларни ижобийлаштириш ва МО давлатларининг миллий мустақиллигига таҳдидлар пайдо бўлса – ҳамкорликда жавоб излаш ва бу билан туркий давлатлар мустақиллигини мустақамлаш бўлиши керак.

Шу пайтгача ташқи дунёдан, жумладан мусулмон ва туркий дунёдан ўзини изоляция қилишга одатланган Ўзбекистон ҳам олий ҳокимият алмашинув палласига яқинлашиб бормоқда. Ўзбекистон кўпгина фундаментал зиддиятлар қаршида қолмоқда. Биринчидан, минтақадаги энг қаттиққўл авторитар режим Ўзбекистондадир. Иккинчидан, ўттиз миллионлик Ўзбекистон ўзининг ички барқарорлигига ва тараққиётга фақатгина инсон потенциални таъминлаб эришиши мумкин. Ер ости ва ер усти бойликлари авторитар режимга истиқболда вазиятни ислохотларсиз ушлаб туриш имкониятини бермайди. Учунчидан эса, Ўзбекистоннинг на ичкарисида, на ташқарисида жамият олдида турган вазифаларига мутаносиб интеллектуал салоҳиятли демократик элитаси мавжуд эмаски, бу ҳолат

Ўзбекистоннинг тақдири сермашаққат кечинишига ишора қилади.

Ўзбекистон олий ҳокимияти ўзгариши давлат ички ва ташқи сиёсатининг қисман ёки тўлалигича кўриб чиқилишига имконият беради. Мана шундай сиёсий фурсатдан фойдаланиб, Туркия янги Ўзбекистон раҳбариятининг туркий дунё билан ҳамкорлик қилиш мойилликларини шакллантириш ва парваришлаганга интилиши лозим бўлади.

Туркий дунёнинг йирик вазифаларидан бири – форсий тилда сўзлашувчи давлатлар ҳамжамияти билан муносабатларни тартибга солиш, ишончли лойиҳалар асосидаги ҳамкорликни ривожлантиришдир. Жумладан, шундай лойиҳалар қабул қилиниши керакки, Тожикистон МО туркий давлатлари ҳамкорлигини кўрқмаслиги ҳам, четда қолмаслиги ҳам керак. Тарихан шундай шаклландики, дунё туркийлари ва форсийлари бири-бири билан энг кучли қоришган, аралашган ва ҳамнафас бўлиб яшаётган халқлардир: Эрондаги иккинчи йирик этник гуруҳ – эзарийлар, Ўзбекистондаги иккинчи йирик этник гуруҳ – тожиклар, Тожикистондаги иккинчи йирик этник гуруҳ – ўзбеклар, Афғонистон эса учта йирик этник гуруҳ асосига қурилгандир – пуштунлар, тожиклар ва ўзбеклардир. Бу халқларнинг барчасини бирлаштириб турувчи омил Ислом динидир.

Ҳар бир алоҳида олинган туркий давлатнинг, миллатнинг кун тартибиде турган муаммолари, долзарб вазифалари бор.

Буни кимдир ўз ички энергиясини тинч йўл билан тараққиётга йўналтирилган тизим шакллантириш шаклида, яна кимдир ўзининг улкан ва бўм-бўш ҳудудларини ўзлаштириш ва ўз қўлида ушлаб қолиш, яна бошқа биров миллий ва давлат мустақиллигига эришиш ва сақлаб қолиш тарзида кўриши мумкин. Аммо бугунги куннинг ва келажакнинг муаммоси шундаки, бундан кейин, реал воқеълик локализмдаги каби “бетарафлик”, “дахлсизлик” тақдим қилмайди. Демакки, бундан кейин, атроф-муҳит ва ташқи дунёдан дахлсизликка, ихота остидаги алоҳида тараққиёт модели шакллантиришга умид қилиш ўринсиздир. Бу фикрлар туркий дунёга, Марказий Осиё давлатларига ҳам тегишлидир. Туркий-мусулмон дунёси фақатгина босқичма-босқич интеграцияга киришган ҳолда ўзининг манфаатларини ҳимоя қила олишини тушуниб боради, ва бу тафаккур янги сиёсий элиталар фикрлашида ўз ифодасини топишга асосли умид қилиш мумкин бўлади.

Тарихий локализм даврида улкан мусулмон дунёси маълум тақсимланишга – мазҳабий бўлинишга учради. Лекин бу тақсимланиш, дифференциация мусулмон дунёсининг келажакдаги интеграциясига мутлақо тўсиқ бўла олмайди. Сабаби, тақсимланиш пропорцияси қатта эмас, бўлиниш чизиклари бирлаштирувчи (Қуръон ва Каъба) институтларга нисбатан ифодаланмаган. Глобализм эса борган сари бирлашувчи, унификация ва интеграцияни тақозо қилаверади. Туркий дунё ҳам, форсий дунё ҳам ушбу мазҳабий бўлинишдан четда қолмади. Бугун инсоният глобаллашув жараёнининг энг бошланғич палласида турибди. Ҳар йили янги инфорамцион технологиялар авлоди кашф қилинаётган даврда, йилга юз миллионлаб аҳоли биринчи марта доимий интернет тармоғига уланмоқда.

Локализм жамиятларга турфахиллик учун қулай имконият берган бўлса, глобализм инсонларни, жамиятларни ва цивилизацияларни тинимсиз ўзаро алоқаларга, мулоқотга ва рақобатга ундайверади. Шу пайтгача жамиятлар, давлатлар ва цивилизациялар ўртасидаги рақобат куч ишлатиш қобилиятида кўпроқ ифодаланган бўлса, бундан сўнғ ҳақиқий рақобат – глобал инсоният нигоҳи ва жамоатчилик фикри назоратидаги ғоялар рақобати энди бошланади.

Демак, туркий дунё ўзи алоҳида, ҳамда Ислом цивилизациясининг таркибий қисми сифатида, бошланган ва келажакда фақат қучаядиган глобал рақобатга тайёрланиши лозим бўлади.

## Қамолдин РАБИМОВ Сиёсатшунос.

(ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу матн, Туркиядаги «Туркистондилар халқаро ёрдамлашма дарнаги»нинг 27 апрел куни ўтган таъсис Қурултойида муаллиф томонидан ўқилган)

## ТУРКИЯДАГИ ЎЗБЕК ТУРКЛАРИНИНГ БУЮК НАМОЁНДАСИ ЭДИ...



Русларда последний магикан, деган тушунча бор. Руслар бу сўзни кизил танли хиндиларнинг "мўхикан" калимасидан олган бўлиб, у энг буюк деган маънони англатади. Мен, дўстимиз Темирхўжа билан яқиндан танишиб, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли ҳақидаги хотираларини тингларкаман, хаёлимга шу сўз келди...

Зеро Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли ҳам, худди Анвар Пошо, Файзулла Хўжаев каби ўз даврининг сиёсий-ижтимоий ҳаётида маълум из қолдирган, юртимиз озодлиги учун жиддий, амалий-маънавий кураш олиб борган, Туркиянинг босқинчилардан қутулиш савашиде енгиб чиқишларига катта ҳисса қўшаолган буюклардан биридир. Файзулла Хўжаев Усмонхўжа Пўлатхўжа ўглининг амакиваччаси бўлиб, ундан 18 ёш кичик эди. Уларнинг ҳар иккаласи, гарчи турли йўналишда ҳаракат қилган бўлсаларда, халқимизга эзгулик тилаган ва маълум хизматларни амалга оширган буюк Инсонлардандир...

Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли йигирма ёшларида экан, Фарғона водийсида русларга қарши миллий-диний бир кураш - Дукчи (Мадали) эшон қўзғалони бошланган. Маълумки, Дукчи эшоннинг миллат ва дин йўлида, мустақиллик учун курашган минглаб муридлари рус идорачиларининг пулимётлар, расмана милтиқлар билан қуролланган аскарларига қарши килич, найза, болта ва тешалар билан, нари борса пилта милиқлар билан қарши курашганлар ва табиийки, енгилганлар.

Бу курашда қатнашган 20 ёшли Усмонхўжа ҳам кўп ўзбекларимиз катори асирга тушган. Рус ҳукумати асир тушган водийликлардан 300дан ошигини дорга осган, юзлаб кишиларни Сибирга ва Россиянинг бошқа жойларига сургун қилган...

Жазолаш онлари Усмонхўжа Пўлатхўжа ўглига

келганда уни Қўқон хонлигининг эмас, Бухоро амирлигининг фуқароси эканлигини билиб қолишиб, қўллари боғлиқ холда, конвой орқали Бухоро амири ихтиёрига юборишган... Амир эса, унинг ёшлиги учун кечириб, маълум бир талаблар асосида бўлса-да, озод қилган...

Аммо Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли ўша пайтдаги юрагида ўти бор ҳамма зиёлилар каби ижтимоий-сиёсий ишлар билан шуғулланишни тўхтатмаган.

Усмонхўжа Пўлатхўжа ўглининг фарзанди, профессор, доктор Темир Хўжа ўглининг ёзишчи, падали бузруквори 1900 йиллардан бошлаб, Ёш Бухороликлар ҳаракатининг фаолларидан бирига айланган. 1909 да Бокчасаройда (рус империясидан маданий йўл билан қутилиш учун кураш бошлаган) жадиждарнинг йўлбошчиси Исмоил Ғаспирали билан учрашиб ундан маслаҳатлар олган...

1909-1911 йиллар орасида Истамбулга келган ва туркчи зиёлилари билан танишиб, бу ерга Бухоро ва бутун Туркистон ёшларидан ўқувчилар олиб келиб ўқитиш ишларига камарбаста бўлган: дарнак (яъни жамият) куриб, шу хил маданий-сиёсий ташкилотлардан эзгу мақсадлар йўлида фойдаланган...

Тошкентлик Мунаввар қори, Самарқандлик Маҳмудхўжа Бехбудийлар каторида Бухорода жадиждар мактаблари очган, Ғаспиралининг "Таржумон"ига ўхшаган нашрлар чиқарган ва уларни тарқатишда бош-қош бўлган...

Профессор Темирхўжа ўгли тайёрлаган "Туркистонда янгилик ҳаракати (1900-1924) ва ихтилоллар" номи (туркча) китобда ҳам айтилганидек, отаси рус чоризмининг Туркистондан мардикор олиш сиёсатига қарши бўлган ва бу тенденция таъсирида бўлиб ўтган 1916 йилги халқ қўзғалонинг Бухородаги йўнатувчиларидан бири бўлган.

Усмонхўжа ҳақидаги мақолалардан бирида яна шундай жумлалар бор: "Бухоро амири Амир Олимхон ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш илнжида эди. Жадиждар эса, мустақиллик тарафдори эдилар. Шу мақсадда 1917 йилнинг апрел ойида амирга қарши буюк бир кўтарилиш бўлди. Аммо амир аскарлари бу кўтарилишни

қонли бир тарзда бостирди ва Усмонхўжа Тошкентга қочишга мажбур бўлди.

Бухоро амирини йикитиш учун Ёш Бухороликлар Тошкентдаги Рус Комиссарларидан мадад истадилар. Ёш Бухороликлар рус аскарлари ёрдами ила Бухоро амирини енгиб, Бухоро Шўролар жумхуриятини қурдилар. Бу орада Ёш Бухороликлар икки гуруҳга бўлиндилар. Усмонхўжаларнинг мақсади, Бухоро жумхурияти мустақиллигини қозониш эди. Усмонхўжага ўхшаган ўнгчилар миллий озодлик ҳаракатини қўлловчилар гуруҳига қўшилдилар. 1920 йилда Бухоро амири Афғонистонга қочаркан, Бухоро Шарқиде "Бухоро миллий ҳукумати" қурилган ва Усмонхўжа бу ҳукуматнинг Мухтор вакили бўлган..."

Сўнгрок, 1921 йил сентябрида Бухорода ўтказилган 3 курултойда Усмонхўжа 44 ёшида Жумхурият президенти этиб сайланди. Усмонхўжа давлат манфаатларидан келиб чиқиб Усмонли императорлиги билан алоқа қила бошлади, Бухоро яқинида яшаётган Анвар Пошо билан ҳам учрашди. Рус гарнизонига қарши ҳужумлар уюштирди. Бу орада Русиядан асирликдан қочиб келган Турк офицерларининг ёрдамида армия тузишга ҳаракат қилди.

Демак, 1920 йилдан бошлаб Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли давлат ишларига киришиб кетган, дастлаб бу республиканинг молия вазири 1921 йили эса, юқорида айтганимиздек, Жумхурият бошқони, бугунги тил билан айтганда – президенти ўларок фаолият бошлаган...

Шу арафада, Туркиянинг ижтимоий – сиёсий ахволи ҳам Туркистонга деярли ўхшаш бўлган. Туркияни тўрт томондан инглиз, француз, италян аскарлари ўраб олиб, туркиларимизнинг она юрти Туркия - Оврупа мамалакатларнинг вассали бўлиш хавфи остида яшаган.

У пайтларда Туркия руслар билан иттифокдошлар каби ҳаракат қилганлиги боис Туркия ҳукуматининг президенти Мустафо Камол Отатурк Русия, Озарбайжон каби катор давлатлардан иктисодий-амалий ёрдам сўраган. Бу сўровга асосан Бухоро жумхурияти президенти

Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли ижобий жавоб бериб, русия ҳудудлари орқали юз миллион тилло тангани Туркияга жўнатган. Бу тилло тангалар 1402 йили Анкара урушида Боязидни енган Темир хоннинг олтинлари бўлиб, уларнинг бир қисми Усмонхўжанинг контролида эди.

Аммо афсуски, рус большевиклари Москвага бориб етган бу пулларнинг 10 миллионини Туркия ҳукуматига бериб, тарихчиларнинг ҳам гувохлик беришларича, асосий қисмини ўзлаштиришган. Аммо адолат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, маблағнинг бошқа 10 миллионига қурол ҳам беришган...

Энг муҳими шундаки, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли томонидан юборилган олтинлар ва руслардан сотиб олинган қуроллар Туркиянинг Оврупа империализмидан қутилиш, бинобарин, бу мамлакатнинг мустақиллик учун кураш савашиде муҳим рол ўйнаган...

Қатор ижтимоий-сиёсий воқеалар сабаб 1922 йили Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли, ўзи ишонган аскарлар билан миллий озодлик ҳаракати томонга ўтиб русларни Туркистондан қувиш учун курашаётган, кейинчалик советлар босмачилик деб ном берган миллий озодлик ҳаракатининг яловбардорларидан бирига айланган...

Ўша пайтда Бухоро жумхуриятига қараган Душанбе шаҳрини озод қилиш жангида Усмонхўжа ва Анвар пошо аскарлари русларни икки томондан ўраб олишга келишганлар. Аммо худди ўша пайтда Иброҳим қўрбоши Анвар Пошошони уй қамоғида сақлаган, мусулмон қўшини талофот қўрган ва чекинишга мажбур бўлган.

Худди бугунги кунлардаги каби зolimларга қарши курашда муҳолифат – ўша пайтдаги қўрбошилар бирлашолмай буюк бир енгиллиш юз берган...

Шундан кейин, яъний, 1922 йили Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли инглиз расмийларидан қурол сотиб олишни амалга ошириш учун Афғонистонга ўтган.

Аммо бу ерда (тафсилотларга берилмаслик учун шуни қисқача) айтиш керакки, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўгли

мўлжалдаги ишларини тўлиқ бажараолмаслигига кўзи етиб, Туркияга ўтган ва ўзининг Туркистон озодлиги йўлидаги ишларини бошқача бир-маънавий-амалий йўсинда давом эттирган.

Профессор Темирхўжа ўглининг ёзишчи, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўглининг Туркиядаги энг муҳим ишларидан бири ўз яқинлари ёрдамида Истамбулда "Янги туркистон" журналининг кўп йиллар давомида чоп этиши бўлган.

2005 йили Тулай Дуран проекти асосида, ўзбек туркларининг таниқли намоёниси профессор, доктор Аҳад Андижон масъулигида бу журналнинг 1927-31 йиллардаги сонларидан олинган муҳим мақолалардан сезилишчи, бу нашрнинг ўзи ниҳоятда буюк бир иш бўлган.

"Янги Туркистон"да босилган мақолаларда, шунчаки хабарлар, воқеаларнинг шарҳларига берилмасдан, кечган воқеаларнинг сиёсий-ижтимоий тафсилотлари, таҳлили ҳам берилганки, китобни варақлаб кўрган киши XX юз йилликнинг дастлабки 30-40 йилида Туркистонда қандай ижтимоий-сиёсий воқеалар юз берганини чуқур англаб етади...

Ўша пайтларда Озарбайжон, Қрим, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистонда қандай ижтимоий-сиёсий воқеалар юз берган бўлса, деярли кўпчилиги қамраб олинганлигини биз Усмонхўжаниннг ўз мақолалари катори - Аҳмад Заки Валидий, Мустафо Чўқай, Елбек, Абдуллоҳзода Тавакул, Маъмур Ниёзий, Аҳмад Наним, Шавкли Кайоғли, Қримли Сафар Саид Аҳмад, Самарқандли Намроҳ Қул каби ўнлаб кишилар ёзган турли асарлардан билиб оламиз. "Янги Туркистон" шунчаки оддий одам томонидан эмас, туркчиликнинг буюк намоёниси томонидан бошқарилганини ҳис этамиз.

Биз, иншааллоҳ, вақти-соати билан бу нашрнинг муҳим жиҳатларига тўхтатилиш баробарида у ердан олинган мақолаларни ҳам чоп этажамиз. Бу сонда давримизнинг буюк мужоҳиди Дадахон Ҳасаниннг Усмонхўжа Пўлатхўжа ҳақидаги шеърини чоп этиш билан кифояландик...

**Ботир НОРБОВ,**  
Адабиётшунос.

## БУХОРО ЖУМХУРИЯТИ РАИСИ УСМОН ХЎЖА ПЎЛАТ ХЎЖА ЎГЛИНИНГ ТУРКИЯГА БОРИБ ДЕГАНЛАРИ...

Сизни севиб-севиб галдим жисму жондан бен,  
Тамирларда қайнаб оққан Турки кондан бен,  
Сизе саламлар гатирдим Турк макондан бен,  
Эл-Бухарий, Қашқарийден, Нақшбендийден,  
Темир Бабам, Шайбанийден, Чингизхандан бен,  
Бабаларим юртдан бен Туркистондан бен.

Ким аканим ядиниза салмаққа гелдим,  
Сизден татли бўсаларни алмаққа гелдим,  
Белки сизе, пайванд бўлиб қалмаққа гелдим,

Ал-Фарабий, Яссавийдан, Бобирмирзодан,  
Сиза селамлар гатирдим Турк макондан бен,  
Туркнинг қайнақ юрагинден Туркистондан бен.

Бизлара сиз бақмадингиз юз йиллар ўтди,  
Энди юксалмак навбати бизлара етди,  
Жалалитдин Румий бизни баҳраманд этди,  
Ибн-Сино, Фарғонийдан, Улуғбекдан бен,  
Туркнинг қадим юрагидан Туркистондан бен.

Билурмисиз Қўқ Туркларин асл маконин,  
Тенгригоғда тўқилган ул шаҳидлар қонин,  
Усмон Носир, Қодирийнинг, парлоқ Чўлпоннинг,  
Ал-Беруний, Навоийдан, Тўхтамишхондан,  
Сиза саламлар гатирдим Турк макондан бен,  
Туркнинг асл юрагинден Туркистондан бен.  
Сизни севиб-севиб галдим жисму жондан бен,  
Темир Бабам, Шайбанийдан, Чингизхандан бен.

**Дадахон Ҳасан.**

## Саҳифа атоқли турк шоири Тавфиқ Фикрат таваллудининг 145 йиллигига бағишланади.

Абдулхамид Чўлпон



ТАВФИҚ ФИКРАТ ҲАҚИДА

Усмонли адабиётини оз-моз ўқуганлар, унинг билан бир даража ошно бўлганлардан қайси бириси бу исми билмайди, қайси бириси муниманимайди.

Усмонлиларнинг «адабиёти жадида» (янги адабиёт)чиларининг пир ва устози бўлган Тавфиқ Фикратбек бутун янги насл туркларнинг юракларина гўзал, нафис ва латиф шеър букетлари қадамишдир. Унинг кенг хаёли равон (тез) ва енгил ифодаси кимни, қайси бир шеър ва адабиёт муҳибини тасхир этмас? Хусусан унинг «Рубоби шикаста» (синиқ дугор)си, ундаги баланд ва латиф йўллар нақадар жозибали ва завқли нарсалардир!

Тавфиқ Фикрат «Рубоби шикаста»си ила қанча танилган бўлса, унинг ила қанча нафосат суювчиларни ўзига мафтун этган бўлса, «Тарихи қадим»и, у дахшатли фарёди ила одамларнинг қалбинда буюк-буюк ўзгаришлар вужудга келтиришидир. «Тарихи қадим» «Рубоби шикаста»дай эмасдир: «Рубоби шикаста» дунё кўрмишидир, матбаъда темирлар орасинда қисилмиш, қоғоз бетларинда неча минг нусха босилмишидир. Локин, «Тарихи қадим» маҳфийдир, қўлдан қўлга кўчирилуб, ёзилуб юргизиладурган нарсадир. У тарихнинг жиноятлари каби сирлидир, ҳар кимга «мана мен!» деб кўруна бермас. Уни босдириш мумкин бўлмади. У олий фикрлар бечора Шарқнинг кўҳна, чирик миясига сиғмади; забун, эзилган шарқлининг кенг қалбинда жой топа олмади; бир вақтлар. Умар Ҳайёмнинг энг аччиғ ва дахшатли фикрларига майдон берган Шарқ муҳити, асорат ва қуллик остинда шу қадар эзилмишидирки, буни, бу қийматли асарни ўзига сиғдира олмади... Эҳтимол, энди Шарқнинг четлар султонидан кутулуб ҳақиқий инқилобга яқинлашиб келаётган вақтларида буюк шоирнинг улуғ фикрлари дунё юзи(ни) кўрса...

Тавфиқ Фикратбек ўзининг бу буюк руҳи ила, у:

Дин шаҳид истар, осмон қурбон,

Яна қон, ҳар тарафда қон, қон, қон!  
(«Тарихи қадим») - деган, қонга, зулмага, жиноятга қарши кўпурган жони ила — бу жиноят уяси бўлган «эски дунё»да зўрға-зўрға тоқат қилуб

чидаб турди. Охирда, у неча миллиён гуноҳсиз жонларни ютуб, кўб мамлакатларни вайрон қилуб келган «маданият уруши» (Овруро муҳорабаси)дан сўнг чидай олмади; одамлар у ваҳший «хайвон»лар ичиндан чиқди. Истанбулнинг бир чекасида, бир жаъра гўшада 1—2 йил ёлғиз бошига дарвешлардай умр ўтказди. Охирда Овруро «ўлум машинаси»нинг энг тезлаган ваҳшат оташининг энг қизигон бир вақтида кетди тинч, роҳат дунёга кетди.

Бу «ваҳшатобод»ни тарк этди.

Энди унинг қабри бутун усмонли ёшларнинг зиёратгоҳидир. Дунёнинг ваҳшатига ўч, лекин ўзи каби дарвешлардан бири, файласуф дўқтур Ризо Тавфиқ унинг қабрини зиёратига боруб қабри устинда айтадир: (босилмаган асарлардан).

## ФИКРАТНИНГ ҚАБРИНДА

*Дейдиларки, эссиз қолан тирбангда  
Ваҳший гуллар очмиш, кўрмая галдим;  
У боғ жаннатинг ҳоқина банда,  
Ҳасрат-ла юзимни сурмая галдим!*

*Дейдиларки, сенга амал боғлаян  
Қабрингда диз чўкуб бир дам оғлаён  
Бир мурод ўлурмиш, банда бир замон  
Оғлаюб муроада эрмая галдим!*

*Шу ҳижрон йилининг сўнг баҳоринда  
Чолалар титраган чаманзоринда  
Кун бугмазди банда мазорингда,  
Мотам чечаклари дермая галдим!*

*Сени онгдим бутун гам чеканлар-ла  
Ишқ ҳақ ўғринда ёш дўканлар-ла  
Соригинча вайрон шу деганлар-ла  
Тошинга бир чаланг урмая галдим!*

*Ёдинг ўлум каби бир сир муҳкам  
Наиша шу долли бу ҳис, бу исм.  
Рухимда на фусун айладинг илҳом  
Бу кун сенга кўнгул вермая галдим!*

Шундай қилиб, улуғ бир шоир дунёдан кетди. Уни билганлар йиғлаб қолдилар, билмаганлар — яна илгаридай.

Дунёнинг ваҳшатлари бўлса яна ҳамон давом этмакда, мазлумлар инқилобига ниҳоят бермасе бошқа нажот кўрилмайди.

Роҳат, масъуд ёт қабрингда эй улуғ пир!..

(Мақола «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 10 январь сониди босилган)

## Мақолага изоҳлар:

Тавфиқ Фикрат (1867—1915) — турк шоири, журналист. Асарлари 1894 йилдан чоп этила бошлаган. Ўша вақтда адабий марказ вазифини ўтаган «Сарвати фунун» («Билимлар хазинаси») журнали унинг муҳаррирлигида чиқиб турган. 1908 йил инқилоби Тавфиқ Фикратнинг идеалига мос келмаган, журналистикадан йироқлашган.

«Рубоби шикаста» — шоирнинг 1899 йилда нашр қилинган шеърый тўплами.

«Тарихи қадим» — шоирнинг фалсафий-ижтимоий қарашларини ифодаловчи достони.

Тасхир - сеҳрламок, бўйсундирмок.

«Маданият уруши» — биз Биринчи жаҳон уруши деб агайдиган уруш

Туркистонда чиққан газеталарда «Европа муҳорабаси» деб юритилган. Чўлпон «маданият уруши» дея урушни кўзгаган «маданиятлилар»га аччиқ киноя қилади.

«Ўлим машинасининг энг тезлаган» вақти — Биринчи жаҳон уруши авж палласига кирган вақт, образли ифода. Тавфиқ Фикрат уруш айна қизиган 1915 йилда в



Тавфиқ Фикрат

## ШЕЪРЛАР

## АНАТЎЛУ

*Анатўлу-Султон Усмон ўсган юрт,  
Тугрулбекнинг кўноғидир у эллар.  
Миллатимиз шунда униб, топди қут,  
Бизга она қучоғидир у эллар.*

*Усмонлилар унутмасин сўйи\*ни  
Бу ўлкада оидик ҳудуд бўйини,  
Бунда бўлди урушлар-ўт ўйини,  
Оталарнинг ўчоғидир у эллар.*

*Бу давлатга унда тамал отилди,  
У майдонда жон олинб-сотилди;  
Милтигу тўп отиб, йўллар ўтилди,  
Қаҳрамонлар ўртоғидир у эллар.*

*Бир замонлар қироллардан тоғ олдик,  
Учган қушдан, оққан сувдан боғ олдик,  
Қанча қирриқ, ёвуз ёвдан ўч олдик-  
Бу куч-қувват булоғидир у эллар.*

*Қанча гозий бунда келиб-кечдилар,  
У сойлардан обдаст олиб\*\*, ичдилар,  
Мамлакатлар фатҳ этдилар, кўчдилар,  
Эранларнинг туроғидир у эллар.*

*Ҳар вайрони узра бир эр-аскар бор,  
Мақбаралар ичра неча сарвар бор;  
Билмам, қайда бундай бахтли бир ер бор?  
Улуғ Каъба тупроғидир у эллар.*

*Ўрмонда турли қушлар сайрайди,  
Яйлогиди кўй-қўчқорлар яйрайди,  
Далаларда олтин бошоқ қайнайди,  
Кўнгилларнинг овлоғидир у эллар.*

*У ерларда асл туркнинг аймоғи,  
Жавоҳирдир бутун тоши-тупроғи,  
Чечак исли қумуш оққан ирмоғи,  
Бойлик қони — ётоғидир у эллар.*

*Юртсеварлик ҳар туркнинг ишқ савдоси,  
Мамлакатдир кеча-кундуз рўёси,  
Аскарларнинг келин-куёв сарпоси,  
Севишганлар қорбоғидир у эллар.*

*Ризо! Бунда ҳар ким қурбон бўлгандир,  
Тупроқ ичра ётган онанг, отангдир...  
Анатўлу асил эски ватандир,  
Онамизнинг қучоғидир у эллар.*

\* С ў й — ирк, сулола.

\*\* Обдаст олмоқ — таҳорат қилмоқ.  
(Тарж.) (давоми 8-бетда)

ЭНГ КЕКСА  
ҚАРИЯ ВАФОТ  
ЭТДИ...

Гиннес рекордлар китоби бўйича дунёнинг энг какса эркаги ҳисобланган Александр Имич кеча оламдан ўтди. У 1903 йил 4 февралда Польшада туғилган, 1951 йилдан бери АҚШда яшар эди. Мутахассислиги кимёгар бўлган Александр Имич бир қатор китоблар муаллифидир. У ўзининг бунча узок яшаганини, аввалги интервьюларидан бирида, спорт билан шуғуллангани, алкоголь ичимликлардан узокроқ тургани ва пархез овқат егани билан изоҳлаган экан.

Энди жаҳоннинг энг кекса эркаги унвони Александр Имичдан бир кун кеч туғилган япониялик Сакари Момига ўтибди.

Жойи келгани учун эслатиш керак, жаҳонда турли мамлакат халқларининг ўртача умрини рўйхат қилиш билан шуғуллангани Итернет сайтларига кўра, Ўзбекистонда ўртача умр 65 йил, эркаклар ўртача 62 йил, аёллар 69 йил яшашиди.

МДХ мамлакатлари ичиде ўртача умр бўйича фақат Тожикистондан олдиндими. Ҳатто ароқ кўп ичгани учун кўп яшамайди деб ҳисобланадиган Россияда ҳам ўртача умр 70 йил, эркаклар — 64, аёллар — 76.

Ўзбекистон Президенти чиқишларида бизда ўртача умр 73,5 йил эканлигини гапирди.

Япония ҳукумати  
коррупция боис  
Ўзбекистондаги  
айрим  
лойиҳаларини  
тўхтатди

The Japan Times газетаси Япония ҳукумати Ўзбекистондаги айрим лойиҳаларини ижро даврида йўл қўйилаётган коррупция ва қаллобликлар туфайли молиялаштиришни тўхтатгани ҳақида хабар тарқатди. Қарши-Термиз темир йўлини электрлаштириш учун инвестиция киритган японлар энди бу лойиҳани ҳам молиялашни тўхтатган.

Бундан ташқари Япония ҳукумати ҳозирги кунда Тошгузар - Қумқўрган йўналишидаги янги темир йўлини қуриш лойиҳаси учун ажратилган сармоя реализациясини ҳам текширмоқда. Агар бу ерда ҳам коррупция ва қаллоблик аниқланса, японлар пулини бекорга совурмасликка қарор беради.

**ҚАЛАНДАРИЙ**

Харобот аҳлимиз. Бу бир оламдир.  
Шавқ ила унда дам сурганларданмиз.  
Хисоб сўрма биздан, биз ҳайли дамдир,  
Дафтари аъмоли турган\*ларданмиз.

Юрак қонин ичдик базми сафода,  
Жовидон завқини топдик ризода,  
Аҳдга содиқ туриб вақти балода,  
Кўксин қаҳр ўқига керганларданмиз.

Тўймас нафсимизни осдик шу дорга,  
Жилмайиб сар бердик Улуғ Сардорга,  
Бир гамза иўлида дийдори ёрга  
Жону бош, кўнглини берганларданмиз.

Дарс олиб жононнинг  
фаттон кўзундан,  
Шеърлар машқ  
айладик ширин сўзундан,

Яширин бир иўлдан-ботин юзундан  
Каъбаи мақсудга кирганларданмиз

Ишқ нури инаркан дили огоҳга,  
Рух қушин учирдик ул қурбоҳга!  
Ота ўчоғидир, биз у даргоҳга  
Дастурсиз кирганча юрганларданмиз.

Таважжух қилмадик боби ниёзга,  
Ирфон-ла эришидик рутбаи нозга;

Биз ҳам ошиномиз шабадабозга,  
Парданинг ортини кўрганларданмиз.

Ориф бўлсанг агар, комилга эгил,  
Илминг-ла овунма! Сен ўзингни бил.  
Маърифат богидан нафақат бир гул,  
Даста-даста чечак терганларданмиз.

Ҳей, Ризо! Орифмиз, дарвишнӣҳодмиз,  
Барча богловлардан узилдик, шодмиз!  
Ўзида иўқ мастмиз, гамдан озодмиз,  
Бошини майхонага урганларданмиз!..

\* Т у р г а н – тўхтаган маъносида.  
(Тарж.)

**ШОМИ ҒАРИБОН**

Бир оқиом овора кезаркан қирда,  
Бу ер парилар-ла маскун деб билдим;  
Ҳайрат-ла боқаркан, бу ваҳшатзорда  
Хуснининг асрори тўлгун деб билдим.

Юраркан, мен билан тоғ-тош юрарди,  
Ҳар оғоч кўлкаси ёндош турарди,  
Инондимки –мени ҳар не кўрарди,  
Хузурим-ла олам мамнун деб билдим.

Азалдан беридир бу хилват ҳужра,  
Аллалар айтилган бу салқин дара,  
Сирини менга ҳам очди шажара-  
Ёшлигим шу ерда мадфун деб билдим.

Арчалар – қанотин керган ҳумодай,  
Ўтлоқлар –юлдузлар тўла самодай,  
Чечаклар – ажойиб бир муаммодай!..  
Не кўрсам, лол қолдим,  
афсун деб билдим.

Ошиқ булбул эрдим, дил сайрар эрди,  
Сарвистон ичинда кимдир куларди,  
Чечаклар қушлардан ўпич тиларди,  
Коинот ишқ ичра мажнун деб билдим.

Йилнинг тугаётган куз фасли эрди,  
Булут, япроқ-тупроқ нафасли эрди,  
Сарвилар қорайган, қафасли эрди,  
Ўйчан қояларни маҳзун деб билдим.

Мағрибий ёқмишидир фурқат оташин,  
Боглар фарёд уриб чорларкан қушин,  
Тогларга суянган даврон қуёшин  
Ярадор бир хаста, ҳорғин деб билдим.

Ичдим ул қуёшининг оққан рангини,  
Рухимни гулхандай ёққан рангини,  
Уфқда кўраркан ол қон рангини,  
Фалаклар мен каби дилхун деб билдим.

Тоглар кўм-кўк эди, сувлар қирмизи,  
Булоқлар бошида бир пари қизи...  
Юзундан ўпаркан оқиом юлдузи,  
Мовий кўзларига мафтун деб билдим.

Чўлларда ёнган ўт-наъралар бордир,  
Кўллар қирғоғида лолалар бордир,  
Узоқдан келгучи нолалар бордир,  
Ярадор бир оху сургун деб билдим.

Куннинг жон талашиган сўлгин лабидан  
Гўзаллик рангини ичар Ой, чаман...  
У кеча борлиқни жонда кўраркан,  
У ернинг моҳтобин гулгун  
деб билдим...

таржимон -Тохир ҚАХҲОР



(Материаллар атоқли ўзбек шоири Хуршид Давроннинг Фейсбугдаги саҳифасидан олинди.)

## Феруза Жуманиёзова яна лицензиядан маҳрум этилди

Ўзбекистонлик таниқли хонанда Феруза Жуманиёзова яна лицензиядан маҳрум этилди. Тўрт йил давомида эфир юзини кўрмаган хонанданинг шу йил апрель ойида “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасидан олган лицензияси яна бекор қилинди.

“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси расмийларига кўра, Феруза Жуманиёзова лицензия битими талабларини мунтазам бузиб келган. Шу сабабли унга апрель ойида берилган лицензия 3 июндан бекор этилган.

“Хонанда Феруза Джуманиязова томонидан лицензия битимида назарда тутилган талаб ва шартлар мунтазам равишда бузиб келинганлиги сабабли, Бирлашманинг 2013 йил 13 августдаги МР-15-сон буйруғи асосида берилган АЖ-3937-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2014 йил 3 июндан тугатилди”, дейилади “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг расмий билдиришномасида.

“Ўзбекнаво” матбуот хизмати раҳбари Одилжон Абдуқаҳҳоров Озодлик билан суҳбатда эстрада бирлашмаси таъсис этган қоидда ва тартибларга риоя этмай келгани учун Жуманиёзовани лицензияси тугатилганини айтди:

- Махсус кенгаш аъзоларининг фикри асосида шунга қарор қилинди. Бу ҳақда “Ўзбекнаво”нинг бир ходими ёки раҳбари қарор бермайди. Сабаблари борки, шу даражага олиб келиндики, шунга қарор берилган. Ферузанинг ўзи билади, нима сабабдан бунақа бўлганини, - деган “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг матбуот хизмати раҳбари Одилжон Абдуқаҳҳоров Жуманиёзованинг лицензияси бекор қилингани асл сабабини очикламади.

Лицензиядан маҳрум этилиши ҳақида Ферузанинг ўзи журналистларга гапирмаяпти. Хонанданинг маъмури Ширин Ғофурова ҳам бу ҳақда изоҳ беролмаслигини айтди. Интернетда тарқалган ха-

барларга кўра, Жуманиёзова “Ўзбекнаво” тадбирларида катнашмай келгани учун лицензияси бекор қилинган. Лекин, “Ўзбекнаво” вакили буни рад этди.

Ўзбекистонда хонандаларга концерт - томоша фаолияти турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади.

**Ўтир деса ўтирамин, тур деса турамин**

Хоразмлик хонанданинг лицензияси биринчи марта олиб кўйилаётган иўқ. У 2010 йилда “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасини расман огоҳлантirmай, Тожикистонда концертлар бергани учун лицензиядан маҳрум этилганди.

Ўшанда Ферузанинг ҳам онаси, ҳам менежери бўлган Зухра опа қизи учун телевиденида эфир эшиклари ҳам ёпилгани ҳақда Озодликка гапирганди.

- Мана ўтирибмиз. Яна меҳнат қилиб турибмиз, яна ишлаб турибмиз. Клиплар, ашулаларни тўхтасин, дейишиди, тўхтадик. “Кел”, дейишса, борамиз. Шу тўхтатиб кўйишибдику. Телевидениега борсак ҳам “Кўйилиши мумкин эмас”, дейишади. “Бўпти”, деймиз. Тўхтатишди. Мумкин эмас Феруза дейишиди. Ўтир деса ўтирамин, тур деса турамин, - деган эди Зухра халфа.

Феруза Жуманиёзова ўзбек телерадиоларида тақиқланган ягона хонанда эмас. Ўзбек “примадоннаси” Юлдуз Усмонова президент Сапармурат Ниёзов тирикчилигида Туркманистонга бориб концерт бериб келганидан сўнг Ўзбекистонда тақиқларга дучор бўлган эди.

Абдулла Курбоновнинг одоб доирасидан чиққан холда милиция ходимларини “порахўр” деб сўккани акс этган видеотасвир Интернет ва кўл телефонларида тарқатилгач, кўшиқчи 22 феврал куни лицензиядан мосуво қилинган эди.

“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг матбуот хизмати раҳбари Одилжон Абдуқаҳҳоров бугунги кунда Ўзбекистонда лицензияси тугатилган хонанда фақат Феруза Жуманиёзова эканини айтди.

- Қайси кўшиқчини лицензияси бекор бўлса, расмий равишда эълон қилинади. Ферузадан бошқа ҳамма санъаткорларнинг лицензияси бор. Шерали Жўраев дейсизми, Юлдуз Усмоновами, ҳаммасида лицензия бор. Фаолият юритишяптику мана, - дейди Одилжон Абдуқаҳҳоров.

**Феруза кўшиқларини хиргойи қилиб юриши мумкин**

Лицензиясидан маҳрум этилган кўшиқчи учун фақат сахна ва телеэфир эшиклари ёпиладими ёки тўй-ҳашамларга ҳам бора олмайди, деб сўраймиз “Ўзбекнаво” вакилидан.

- Оммавий тадбирларда иштирок этолмайди. Чунки кўшиқ айтиш ваколоти иўқ. Лицензия кўшиқ айтиш ваколоти беради. Уйда, оиласида кўшиқларини хиргойи қилиб юриши мумкин. Бу ўзининг иши. Лекин расмий равишда тўй-ҳашам, концертлар ва бошқа оммавий тадбирларга чиқиш ваколоти бўлмайди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузурда комиссия бор. Улар кўриб чиқади, - деди “Ўзбекнаво” вакили.

Ўтган йили “Ўзбекнаво” эстрада концерт бирлашмаси “Мустақилликнинг 22 йиллиги байрамни ўтказиш бўйича ҳуқуқат қарорини тўлиқ англаб етмай, байрам тантаналари учун янги кўшиқ тайёрлаш борасида жиддий камчиликка йўл қўйган бир катор эстрада хонандалари” ни жазолаган эди.

Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилфуза Раҳимова, “Нихол” мукофоти совриндори Отабек Муталхўжаев, хонанда Дилшод Раҳмонов, “Уммон” ва “Манго” гуруҳлари хонандалари лицензиядан маҳрум қилинганди.

“ОЗОДЛИК”дан

**ТУРКИСТОН ТОНГИ**

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Бош муҳаррир  
**Раҳимтой Бегалиев**  
Муҳаррир  
Ўринбосари  
**Ботир Норбоев**

Газетага Қозоғистон азамати С. Байдуллаев ва ўзбек фарзанди Б. Норбоев асос солган.  
**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**  
Бахтиёр Исабеков, Малик Мансур, Ўринбой Усмон, Фарҳодхон Мухтаров

Таҳририят манзили: Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи, Аҳмаров кўчаси - 133, тел: 8 707 958 57 57.  
Мулк эгаси: Яқка тадбиркор Бегалиева Гулнар Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.  
Адади: 1000 дона. «М-press» босмахонаси. 4 июль 2014 йил. (Шымкент ш. Байтурсунов-18)да чоп этилди. Буюртма №. Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси. Газета бир ойда бир марта нашр этилади.  
**ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502**

- Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан мос бўлмаслиги мумкин.
- Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан ҳимояланган.
- Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.
- Ўқувчиларимизнинг саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид қиламиз.
- Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.